**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЪТЕТИ**

**5620500 - "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси" таълим йўналиши 4-босқич талабаси**

**ХОЛТОЖИЕВ АКРАМ РАСУЛОВИЧ**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: «Чигитни плёнка остига экиб, экологик соф пахта хосили етиштиришда махаллий ўғитнинг ахамияти»**

***Илмий раҳбар:***

**"Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси" таълим йўналиши ассистенти**

**М.М.Убайдуллаев**

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси мудири, қ.х.ф.н.

--------------------**М.М.Мирзаева**

"-------"--------------------2014 й.

Кимё технология факультети декани, қ.х.ф.н.

---------------------**Р.А.Аноров**

"-----"-------------------2014 й.

**ФАРҒОНА-2014**

**Мундарижа**


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш.** | **3** |
| | **1.АДАБИЁТЛАР ШАРХИ** | **7** |
| | **2. ТАЖРИБА ЎТҚАЗИШ ШАРОИТИ, ТИЗИМИ ВА УСЛУБЛАРИ** | **13** |
| | **2.1.Тупроқ шароити.** | **13** |
| | **2.2. Иқлим шароити** | **16** |
| | **2.3. Тажриба тизими ва тадқиқот ўтқазиш услублари.** | **19** |
| | **2.4. Ғўзанинг «Андижон-35» нави тавсифи.** | **20** |
| | **2.5. Агротехник тадбирлар** | **24** |
| | **3. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ** | **25** |
| | **3. 1. Суғориш олидидан тупроқ намлиги** | **25** |
| | **3.2. Ғўзанинг ўсиши.** | **25** |
| | **3.3.Ғўзанинг ривожланиши.** | **28** |
| | **3.4.Ғўзанинг гуллаши ва пишиб етилиши.** | **30** |
| | **3.5. Пахта хосилдорлиги.** | **32** |
| | **3.6. Пахта толасининг технологик сифат кўрсатқичлари** | **34** |
| | **4. Чигитни плёнка остига экиб, экологик соф пахта хосили етиштиришда техника хавфсизлиги қоидалари ва мехнатни мхофаза қилиш.** | **37** |
| | **5. Корхоналари модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жихозлаш ва юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш борасида юритилган фаол инвестиция сиёсати.** | **39** |
| | **6. Иқтисодий самарадорлик.** | **42** |
| | **ХУЛОСАЛАР** | **43** |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.** | **44** |
| | **ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИКИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ** | **48** |

# Кириш.

Мавзуни долзарблиги. Маълумки пахтачилик минтақаси ер юзасидаги умумй чегараси 38-40 С кенглигигача боради.

Мамлакатимиз пахта етиштириш бўйича дунё пахтачилигининг энг шимолий чегарасида жойлашган.

Бундай шароитда ғўзанинг серхосил, эртапишар ва сифатли тола берадиган ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш хамда ғўзанинг парвариши бўйича яни технологияларни ишлаб чиқиш, амалдагиларни эсатакомиллаштириш йўли билангина пахтадан эртаки ва сифатли пахта хосили етиштиришга эришиш мумкин.

Республикамиз селекциячи олимлари ва мутахасислари томонидан кўплаб серхосил, эртапишар ва сифатли толага эга бўлган ғўзанинг истиқболли навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу сохада эртапишарлик ишлари илмий изланишнинг кейинги йилларида яанада жадаллик билан олиб борилмоқда ва ғўзанинг янги навлари яратилмоқда.

Шунингдек ғўзадан юқори хосил олишни таъминловчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бўйича хам катта хажмда илмий изланишлар олиб борилди ва уларнинг натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятимизда чигитни плёнка остига экиб эртаки пахта етиштириш бўйича янги технологияни яратиш устида илмий изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Бу технологияни афзаллиги: эртапишар чигитни плёнка остига эрта муддатларда экилади, плёнка остида тупроқ харорати очиқ майдонга нисбатан юқори бўлганлиги туфайличигит эрта униб чиқади, нихоллар дуркун ўсади ва ривожланади, натижада хосил 20-25 кун эрта пишиб етилади.

Натижада хосилни асосий қисми юқори саноат навларига сотилади. Бундан ташқари ғўза парвариши даврида маълум миқдорда сув иқтисод қилинади.

Шунингдек келгуси йил учун кузги шудгорларни эрта муддатларда ўтқазилишини таъминлаш имконияти яратилади, шудгорланган майдонларни кузга сифатли тайёрлаб мақбул муддатларда ғалла экилиши хисобига дон хосилдорлиги ғўза қатор ораларига экилган майдонларга нисбатан ўртача 10-15 центнер юқори бўлишини таминлайди. Энг мухими кузда хайдаб қўйилган майдонларда бахорги экиш ишлари қисқа муддатларда сифатли амалга оширилади.

Бу янги усул бўйича республикамизни турли тупроқ иқлим шароитларида кўплаб тажрибалар ўтқазилди. Тажриба натижалари чигитни плёнка остига экиб юқори, эртаки ва сифатли пахта хосили етиштириш мумкинлиги ўз исботини топди. Шунингдек бу усулда чигит экиб пахта етиштиришда маъдан ўғитларнинг самарадорлиги маълум даражада ошганлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1996 йилда “Ғўзани плёнка остида ўстиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилди ва плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш технологиясини давлат сиёсати даражасига кўтарди, оқибатда бу усул анчагина майдонларда жорий этилди.

Ғўза ўсимлиги хаётида азот, фосфор ва калий элементлар ўрни бенихоя каттадир. Етиштирилаётган пахта хосилининг қарийб ярми маъдан ўғитлар хисобига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигида маъдан ўғитлар ғўзадан юқори, эртаки хосил етиштириш учун кимёвий моддалар қўлланилмоқда.

Натижада атроф-мухит зарарланиши бирга етиштирилаётган пахта хом ашёси таркибида хам маълум миқдорда қолиб, унинг сифатига салбий таъсир этади. Шунинг учун хам пахта хосилини етиштиришда экологик тоза технологияни ишлаб чиқиш шу куннинг талабларидан бири хисобланади.

Бу борада республикамизда маълум даражада илмий изланишлар олиб борилган, лекин, юқоридаги муоммолар тўлалигича хал қилинмаган.

Маълумки ғўзанинг озиқлантиришда азот, фосфор ва калий маданлари тупроққа асосан маъдан ўғит сифатида киритилади.

Кейинги йилларда пахтачилик сохасидаги илмий тадқиқот институтларида олиб борилган назарий тажрибалар (гидропоника шароитида) маъдан ўғитларни юқори миқдорларда ишлатиш пахта хосилини 2-3 марта ошириш имконияти борлигини исботлади. Дала шароитида маъдан ўғитларни миқдорини ошириш хар доим хам хосилни оширавермайди.

Шунинг учун хам вилоятимизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитида минерал ўғитларнинг ўзига монанд юқори миқдорларини ишлатиб хосилни ошириш усулларини излаш керак.

Илмий изланишлардан маълумки махаллий ўғитларни тўғри ишлатиш маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиб беради. Тупроқнинг биологик хусусиятини махаллий ўғитлар ишлатиш хисобига тубдан яхшиланади.

Бунда микроорганизмларнинг таъсири остида доимо тупроқ унумдорлигини оширадиган жараёнлар кечади ва уларнинг фаолияти туфайли тупрокдаги фойдали бирикмалар миқдори ортиб боради.

Аммо, экинларни навбатлаб экиш тизимини жорий этиш, бунда бир йиллик ва кўп йиллик азотофиксатцияловчи хусусиятига эга бўлган дуккакли экинларни экиб, махаллий ўғитлардан фойдаланиб тупроқни азот билан бойитиш мумкин.

Тупроқда ўсимлик ўзлаштира оладиган харакатчан фосфорнинг миқдорига нисбати ўсимлик ўзлаштира олмайдиган умумий фосфорнинг миқдори кўп бўлади. Ушбу фосфордан самарали фойдаланиш борасида ўтқазилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича мульчалаш тупроқ таркибидаги харакатчан фосфор миқдорини ошрар экан. Шу мақсадда мульча сифатида шаффоф плёнкасиси фойдаланилганда унинг самараси ошади. Бунда ғўзадан экологик тоза махсулот етиштириш имконияти яратилади. Шунингдек тупроқ унумдорлигини яхшилашда хамда тоза

экологик махсулот етиштиришда махаллий ўғитлардан фойдаланиш катта самара беради.

Лекин ушбу технологияда тупроқнинг озиқа мароми, маъдан ўғитлар меъёри хамда уларни махаллий ўғитлар билан бирга ишлатиш халигача ўрганилмаган. Шунинг учун хам тупроқ унумдорлигини ошиб боришини таъминловчи, экологик тоза пахта махсулоти етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб хисобланади.

# 1.АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

Суғориладиган дехқончилик шароитида ғўза агротехника тадбирлари орасида чигитни экиш усуллари ва муддатлари мухим ўрин эгаллайди.

Бу борада, айниқса хар хил тупроқ-иқлим шароитида чигитни мақбул муддатларини аниқлаш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Кўп йиллик тадқиқотлар маълумотларига асосланиб тавсиялар тузилган ва хозиргача улардан фойдаланиб келинмоқда.

Олинган илмий маълумотларга қараганда, чигитни экиш муддатлари кечикканда нихолларнинг пайдо бўлиши тезлашар экан. Аксинча, жуда эрта муддатларда экилганда кўчатларни сийрак бўлишига олиб келадики, бу хосилга салбий таъсир кўрсатади.

Х. Х. Енилеев (1948) нинг фикрича нихолларни уна бошлаши тупроқ харорати 10-11 С бўлганда бошланади.

Б. Г. Алиев (1953), Л. Н. Бабушкин (1957), М. Блюм (1954), А. Зокиров (1962) лар хам ўтқазилган тажрибалари маълумотларига асосланиб юқоридаги фикрни тасдиқлайдилар.

Эртаки пахта хосили етиштириш учун чигитни эрта экиш, ғўзанинг барвақт авж ривожланишига, кўсакларнинг барвақт очилишига имконият яратиб бериш талаб этилади. Бинобарин ғўза чигити тупроқнинг экиш қатламидаги харорат 11 С бўлганда уна бошлайди.

И. Маткаримов, Х. Бурнашев, М. Ходжиев (1973) ларнинг фикрича мақбул муддатларда чигит экиш юқори ва сифатли хосил гаровидир.

Ю. Икромов (1970) нинг кузатишича, кеч муддатларда чигит экилса хаво харорати юқорилиги сабабли, ғўза бош поясининг ўсиши тезлашиб кетади, ер устки қисмларининг морфологиясида ўзгаришлар бўлади.

Нихолларнинг кеч униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишидан орқада қолиши, кейинги ривожланиш фазаларига ва натижада хосилдорликка салбий таъсир этади.

Чигит эрта муддатларда экилгандан кейин нихолларни тез ва қийғоз униб чиқиб дуркун ривожланиши учун харорат етарлича бўлмайди. Тупроқ хароратини ошириш мақсадида изланишлар натижаларига асосланиб плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар. (О. Махмудов, С. Бахрамов, 1997 й), Қ. Мирзажонов (2002), Ш. Нурматов (2004), О. Яқубжонов (2002)

М. Султонов, Қ. Обидов, О. Махмудов, С. Бахрамов ва бошқалар (1997) нинг ёзишича чигит плёнка остига экиб ўстирилган шароитда полиэтилен плёнканинг қуёш нурини яхши ўтқазиши ва совуқни қайтариш хусусияти хисобига тупроқ харорати очиқ майдонга экилганга нисбатан 3-4 С гача юқори бўлади. Натижада уруғ очиқ майдонларга нисбатан 15-20 кунга илгари, яъни тупроқнинг 10 см юза қатламидаги харорати 8-10 С бўлганда экиш мумкин деб тавсия қиладилар.

Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Фарғона филиалида ўтқазилган тажрибаларда чигит плёнка остига экилганда ғўзанинг амал даври тезлашиб, пахта хосили 15-20 кун олдин пишиб етилишини кўрсатди. (О. Махмудов, С. Бахрамов-1997)

А. Хайдаров ва О. Махмудовларнинг чигитни плёнка остига экишни мақбул муддатларини аниқлаш бўйича ўтқазилган тажриба натижаларига асосланиб, Фарғона вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида унинг харорати 8-9 С бўлганда март ойининг иккинчи ўн кунлигида чигитни плёнка остига экиш мумкинлигини аниқлашди. Бунда олинган қўшимча хосил 11.9 ц/га ни ташкил этди.

Чигитни плёнка остига экиб пахта етиштиришда ғўзани минерал ўғитларга бўлган талаби айрим тадқиқотчилар томонидан қисман ўрганилган.

С. Йўлдошевнинг (1997) фикрича ғўза плёнкали усулда ўстирилганда уруғни барвақт экилиши туфайли барвақт ривожланган ўсимликларни озиқлантириш хам эрта муддатларда амалга оширилиши лозим.

Н. Ибрагимов, М. Қодирхўжаев, Л. Мирзаев (2001) чигитни плёнка остига экилганда азотли ўғитларни 200 кг/га меъёрда қўллаш, шундан 50 % ни экиш билан бирга қолган қисмини иккига бўлиб ғўзани шоналаш ва гуллаш даврида озиқлантиришни тавсия этадилар.

У. Рахмонов, О. Махмудов, С. Бахрамов (2003) лар чигитни плёнка остига экиб пахта етиштиришда ўғит меъёрини азот 250 кг/га, фосфор-175 кг/га ва калий 105 кг/га хисобида солиниши мақсадга мувофиқ деб хисоблайдилар.

А. Хайдаров (2002, 2003) томонидан ўтқазилган тажрибаларда, чигит плёнка остига экиб ўстирилган шароитда минерал ўғит қўлланилмаганда битта ўсимликда ўртача 7.4-7.7 донадан кўсак шаклланган бўлса, минерал ўғитлар азот-150, фосфор-105, калий-75 кг/га меъёрда қўлланилганда кўсаклар сони 8.6-8.8 донани, азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-100 кг/га меъёрида қўлланилган шароитларда эса ўсимликлардаги кўсаклар сони 9.0-9.3 донани ташкил қилган.

Чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш бўйича республикамизни турли тупроқ иқлим шароитларида кўплаб тажрибалар ўтқазилди. Тажриба натижалари чигитни плёнка остига экиб юқори, эртаки ва сифатли пахта хосили етиштириш мумкинлиги ўз исботини топди. Шунингдек бу усулда чигит экиб пахта етиштиришда маъдан ўғитларнинг самарадорлиги маълум даражада ошганлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1996 йилда "Ғўзани плёнка остида ўстиришга оид чора тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди ва плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш технологиясини давлат сиёсати даражасига кўтарди, оқибатда бу усул анчагина майдонларда жорий этилди.

Кейинги йилларда вилоятимизда чигитни плёнка остига экиб эртаки пахта етиштириш бўйича янги технологияни яратиш устида илмий изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Бу технологияни афзаллиги: эртапишар чигитни плёнка остига эрта муддатларда

экилади, плёнка остида тупроқ харорати очиқ майдонга нисбатан юқори бўлганлиги туфайличигит эрта униб чиқади, нихоллар дуркун ўсиши ва ривожланиши, натижада хосил 20-25 кун эрта пишиб етилиши ўз исботини топди.

Ғўза ўсимлиги хаётида азот, фосфор ва калий элементлар ўрни бенихоя каттадир. Етиштирилаётган пахта хосилининг қарийб ярми маъдан ўғитлар хисобига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигида маъдан ўғитлар ғўзадан юқори, эртаки хосил етиштириш учун кимёвий моддалар қўлланилмоқда.

Натижада атроф-мухит зарарланиши бирга етиштирилаётган пахта хом ашёси таркибида хам маълум миқдорда қолиб, унинг сифатига салбий таъсир этади. Шунинг учун хам пахта хосилини етиштиришда экологик тоза технологияни ишлаб чиқиш шу куннинг талабларидан бири хисобланади.

Тупроқ унумдорлигини тиклаш, қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигини ошириш, айниқса махсулот сифатини яхшилашда махаллий ўғитларнинг ахамияти беқиёс. (Қ. Розиев, Қ. Хамраев, 1977 й)

Махаллий ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган шакл ва нисбатларда барча озуқа унсурлари мавжуд.

Б. Ниёзалиев Л. Мирзаев (ЎЗПИТИ, 2012 й) ларнинг таъкидлашича Тупроққа қанча миқдорда гўнг солинса, чириши натижасида шунча кўп углерод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг хаводан озиқланиш жараёнини қулай холатга келтиради. Тупроққа ярим чириган 20-30 тонна гўнг солинганда хар куни хар куни ажралиб чиқадиган углерод миқдори гўнг солинмаган далага нисбатан гектарига 100-150 кг кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларидан мўл хосил олишнинг мухим омили хисобланади.

Махаллий ўғитлар (гўнг, парранда қийи, шахар чиқинди қолдиқлари) ни ажратилган майдонларда 50-60 см чуқурликда ковланиб, унга 10-15 см қалинликда гўнг солиниб, устига агроруда ёки фосфорит сепилиб, яхшилаб аралаштирилади ва шу тартибда гўнг ва фосфорит аралашмалари 1.5-2

мбаландликка етқазилади. Компост устига 10-15 см қалинликда тупроқ тортилади.

Бунда зовур лойқалари, хандак тупроқларидан фойдаланиш самаралироқ бўлади. Бундай компостлар тўрт-беш ой давомида сақланиб, бу муддат ичида аралашмалар устига (ёз ойлари) зарур холларда тоннасига уч махал 60-100 литр сув сепилиб турилади.

Ғўза ва бошқа экинларнинг гектарига 20-30 тонна гўнг ёки органо-маъдан компостлардан 30-40 тонна меъёрда шўрланмаган ва кучсиз шўрланган ерларга кузги шудгор олидидан, ўртача ва кучли шўрланган майдонларга эса ерни экишга тайёрлаш олдидан РОУ-5, РОУ-6, ПРТ-10, ПРТ-16 ва бошқа гўнг сочар мосламалар ёрдамида солинади.

Ш. Мехмонов. Пахта ва ғалладан мўл хосил етиштиришда органик ўғитнинг ўрни бенихоя катталигини хисобга олиб, жамғарилган гўнг ва бошқа органик қолдиқлар билан бирга аралаштириб, чиритилса, тупроқнинг гумус миқдорини ошишига, қолаверса, юқори ва сифатли хосил олиш имконини яратишга эришилади.

Дехқончиликда минерал ўғитлардан сурункали фойдаланиш оқибатида тупроқда агрофизиологик номутаносиблик юзага келади. Шунинг учун органик ва минерал ўғитлар билан биргаликда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Органик ўғитлар таркибини 30-50 фоизини калий ташкил этганлиги алохида эътиборлидир. Махаллий ўғит тупроқнинг агроэкологик холатини яхшилайди. (Н. Эрназаров, Д. Абдуллаева)

А. Қурбоновнинг таъкидлашича, Минерал ва махаллий ўғитлардан илмий асосланган меъёр ва муддатларда фойдаланилса, ғўзанинг ривожланиши жадаллашади, кўсакларнинг етилиши тезлашади, хосилдорлик ошади. Карбанатли шўрланган тупроқларда турли минерал ва органик ўғитларнинг комплекс қўллаш эса 15.2 ц/га қўшимча хосилдорликка эришиш имконияти яратади.

Б. Ниёзалиев. Л. Мирзаев. Органо-маъдан компостлар тайёрлашда органик ўғитларнинг оғирлик миқдори ва нисбатларини белгилашда хар бири учун алохида улар таркибидаги озуқа моддалар миқдорига қараб тенглаштириб олинади. Компостлар оғирлигига нисбатан 1-2 % миқдорда фосфорли ўғит ёки 1 тонна органик ўғитга 15-20 кг фосфор солиб тайёрланса, компост таркибидаги озуқа моддалар, айниқса азотнинг йўқолиши камаяди ва фосфорни ўсимлик осон ўзлаштиради.

Экинларнинг навбатлаб экиш билан бирга минерал ўғитлар тақчиллигини махаллий ўғитлар (қорамол, қўй, парранда от гўнги, гидролизли лигнин, шахар чиқинди қолдиқлари, ва хазон ва бошқа экинлар чиқиндилари) дан самарали фойдаланиш билан бир қаторда табиий захиралар мавжуд, бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалардан органо-маъдан компостлар тайёрлаш орқали камайтириш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек чигитни плёнка остига экилган ғўзанинг пахта хосилдорлиги кўп жихатдан озиқлантиришга боғлиқдир.

Қисқача ёритилган адабиётлар шархидан маълум бўлдики чигитни плёнка остига экиб пахта етиштиришда маъдан ва махаллий ўғитларни бирга қўллаш бўйича илмий изланишлар жуда камдир.

# 2. ТАЖРИБА ЎТҚАЗИШ ШАРОИТИ, ТИЗИМИ ВА УСЛУБЛАРИ

## 2.1.Тупроқ шароити.

Фарғона водийси қадимий маданят ўчоғига эга. Водийда суғорилиб деҳқончилик қилиш бундан минг йиллар олдин бошланган бўлиб, у тупроқларни физик-сув хоссаларига, уни унумдорлигига чириндини миқдори ва бошқа хусусиятларига маълум даражада таъсир қилади. Фарғона водийсини илмий асосда тупроқ, иқлим ва геологиясини ўрганиш 20-асрни биринч чорагида бошлангандир.

Тажриба шахобчаларида гирометеорологик ва гиромодул тадқиқот ишларини бошланиши Фарғонани тупроқ мелиоратив йўналишда янги ўрганишлар даврини бошлаб берди.

Фарғона вилоятини суғориладиган ҳудуди тупроқ ҳосил бўлишига қараб икки қисмга: чўл ҳудудидаги текисликларда жойлашган тупроқлар ва бўз тупроқли ҳудудларга бўлинади. Чўл ҳудудини тупроқлари жойлашган майдонларда шўрланган сизот сувларининг сатҳи ер сатҳига яқин жойлашган бўлиб, бу ҳудудни тупроқлари турли даражада шўрланган ёки шўрланишга мойил бўлади. Вилоятни умумий суғорилиб деҳқончилик қилинадиган майдонининг 70% ўтлоқи ва ўтлоқи соз тупроқлар, 20.8% бўз тупроқлар, бўз тупроқлар, 5.2% тош-шағал, 2.7% ўтлоқи тақир ва 1.3% ўтлоқ-ботқоқ тупроқларни ташкил қилади. Механик таркибига кўра ер фонди қуйидагича тақсимланган: 31.1 енгил қумоқ, 24.5% ўрта қумоқ, 15.7% оғир қумоқ, 11.1% ҳар хил қалинликдаги шағалли, 10.1% қумли ҳамда қумоқ ва 7.5% бошқа хилдаги тупроқлар ташкил қилади.

Фарғона вилоятини аосий экин майдонлари шўрланишга ва шамол эрозиясига мойил тупроқлардан иборат. Шунинг учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун тупроқни шўрланиши ва шамол эрозиясига қарши комплекс агротехник тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Фарғона вилоятининг 94 минг гектар ёки суғорилиб деҳқончилик қилинадиган майдонни 27% мелиоратив ҳолати яхши бўлмаган тупроқлар ташкил қилади ва бу ерларда деҳқончилик қилиш учун алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Марказий Фарғонанинг сизот сувларининг сатҳи ва арзик қатлами юза жойлашган хўжаликларда мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ерларда тупроқларни сув-физик хусусиятлари ёмон бўлганлиги сабабли ерларни мелиорациялаш қийин бўлмоқда ва қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосил анча паст бўлмоқда.

Марказий Фарғона ҳудудидаги хўжаликларда суғорилиб деҳқончилик қилинадиган майдонларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва пахта ҳосилини кўтариш учун қуйидаги комплекс агромелиоратив тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Шудгор олдидан гектарига 40-60 тоннадан маҳаллий ўғит солиш орқали тупроқ структурасини яхшилаш лозим.

Ерларни копитал текислаш, арзик ва шўр қатлами юза жойлашган майдонларда тупроқни чуқур юмшатиш ва доимий зовурларни ишлашини таъминлаган ҳолда шўр ювиш керак.

Зовур системалари яхши ишлайдиган ўрта ва кучли шўрланган майдонларда шоли экишни жорий қилиш керак.

***1-жадвал***

***Фарғона вилоятиинг асосий тупроқ турлари***

| Тупроқлар | Минг/га | % |
|---|---|---|
| Бўз тупроқ пояси | | |
| Асл бўз тупроқ | 44.2 | 43 |
| Оч тусли бўз тупроқ | 61.0 | 33 |
| Ўтлоқи бўз тупроқ | 10.0 | 70 |
| Ўтлоқи соз тупроқ | 14.0 | 70 |
| Чўл сахро зонаси | | |
| Колматажланган тупроқ (сунъий тупроқ) | 13.8 | 89 |
| Ўтлоқи тақирли ва ўтлоқи сахро тупроқлари | 19.2 | 94 |
| Ўтлоқи соз тупроқ | 237.5 | 72 |
| Ўтлоқи соз қатламли тупроқ | 25.2 | 73 |
| Ўтлоқи ботқоқли тупроқ | 4.5 | 44 |
| Ўтлоқи тупроқлар аралашган қумлар | 26.1 | - |
| Шўрхоклар ва бошқалар | 55.4 | - |
| Жами: | 511.4 | 55.6 |

Пахтачилик зонасида оралиқ характерли тупроқлар анчагина майдонни эгаллаган ўтлоқ тпроқлардан автоморфларгача, автоморф бўз ва тақирли тупроқлардан ўтлоқ тупроқларгача. Оралиқ тупроқлари ботқоқ ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ ўтлоқ-бўз ва шу кабиларга ажратилди.

Суғориладиган тупроқлар ичида ўтлоқ аллювиал ва ўтлоқ соз тупроқлар кўпроқ тарқалган. Пахтачилик зонасида ботқоқ тупроқлар кичик майдонларни эгаллаган ва у ерлар шоли етиштириш учун ишлатилади.

Ўрта ва кучли шўрланган тупроқларни текислаб зовур тавсилида яхшилаб шўрини ювмай қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Ўрта ва кучли шўрланган майдонларда қақат тупроқни юқори бир метрлик қатлами тўздан тозаланиб қолмасдан балки пастки қатлам ва сизот сувлари ҳам тозаланиши керак. Амалда бу ишлар бажарилгандагина келгсида вилоят бўйича пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтиришнинг асосий базаси деб назарда тўтиш зарур.

### *2.2. Иқлим шароити*

Қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши, хосил тўплаши ва хосилдорлиги кўп жихатдан йил хамда мавсумларнинг иқлим шароитига, жумладан хаво харорати, ёғинлар миқдорига боғлиқ. Ғўза ўсимлиги хам бундан мустасно эмас.

Тажриба ўтқазилган 2012-2013 йиллардаги Фарғона об-хаво Марказининг Фарғона кузатув нуқтаси бўйича маълумотлар 3.2-1 жадвалда келтирилган.

## Иқлим шароити
## (Фарғона об-хаво Маркази маълумотлари)

| Кўрсатқичлар | Йиллар | О й л а р | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Январ | Феврал | Март | Апрел | Май | Июн | Июл | Август | Сентябр | Октябр |
| **Хавонинг ўртача харорати, С** | **Кўп йиллик** | -3.4 | -0.4 | 7.5 | 15.3 | 21.5 | 25.2 | 26.9 | 24.2 | 20.9 | 14.0 |
| | **2012 йил** | 1.4 | 5.4 | 9.2 | 18.7 | 21.6 | 28.1 | 26.8 | 25.8 | 21.4 | 16.9 |
| | **2013 йил** | -7.3 | 2.8 | 13.8 | 19.1 | 23.2 | 28.7 | 28.9 | 26.5 | 23.2 | 20.1 |
| **Ёғинлар, мм** | **Кўп йиллик** | 34 | 35 | 42 | 28 | 24 | 5 | 8 | 3 | 3 | 3 |
| | **2012 йил** | 66 | 19 | 69 | 26 | 25 | 1 | 18 | 2 | 0 | 0 |
| | **2013 йил** | 12 | 28 | 1 | 14 | 13 | 7 | 1 | 0.6 | 0 | 4 |

**Чигити 1 апрелда экилган ғўза олган фойдали харорат:**

**Кўп йиллик-2403 С**
**2012 йил- 2673 С**
**2013 йил-2649 С**

Мазкур маълумотларга кўра 2012 йил қиш ойлари илиқ, 2013 йилнинг қиш ойлари совуқлиги кузатилди. 2012 йил қиш ойларида ёғин миқдори 19-66 мм бўлди.

Ўтган 2012 йилнинг яна бир алохида хусусияти шундаки мазкур йилда ёғин нихоятда кам бўлди. Хусусан, кўп йиллик маълумотлар қиш ойлари учун 34-35 мм бўлган бўлса, 2013 йили эса бу ойларда 12-28 мм ёғин бўлган холос.

Демак, 2012 йил тупроқнинг захира намлиги тўпланиши учун қулай, 2013 йил эса ноқулай хисобланади.

Тажриба ўтқазилган йилларob-хавоси бахор ойларида тафовутланди. Хусусан хавонинг ўртача харорати бахор ойларида кўп йилликка нисбатан юқори. Аммо 2013 йилнинг март, апрел ва май ойларидаги харорат бошқа йиллардагидан жуда юқори бўлганлиги кузатилди.

Яна шуниси эътиборлики, 2013 йил бахор ойларида ёғин жуда кам бўлиди. Жумладан, март ойи бўйича 1 мм ёғин бўлди холос. Ёғин апрелда хам, майда хам кўп йилликка нисбатан 2 марта кам ёғди. Лекин 2012 йил бахор ойларида, айниқса март ойи серёғин бўлган эди. Бундан келиб чиқадики тупроқ намлиги 2012 йилда кўп, 2013 йилда кам бўлган.

Тадқиқот йилларининг ёз ойларида хамма холатда иссиқ бўлди дейиш мумкин, айниқса 2013 йилдаги хавонинг ўртача харорати кўп йилликка нисбатан июн ойида 3.5 С, июлда эса 2 С ва августда 2.3 С юқори даражада бўлиб турди.

Хар икки тажриба йилларида хам ёз ойларидаги ёғин миқдори асосан кўп йилликдан кам деб хисоблаш мумкин.

Фақат 2012 йилнинг июл ойидаги ёғин кўп йилликдан 10 мм юқори даражага етди.

Демак тадқиқот йилларининг ёзи ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва хосил тўплаши учун мақбул шароит билан тавсифланди.

Илмий тадқиқот йилларининг куз ойлари хосилни сифатли йиғиштириб олиш учун имкон яратди.

Тажрибанинг 1 апрел куни экилган ғўза 2012 йилда 1 октябргача 270 С, 2013 йилда 246 С юқори фойдали харорат олди. Бу эса хосилни эрта муддатларда пишиб етилишини таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва хосил олиши учун 2012 йил ва 2013 йилларда ўта қулай иқлим шароити бўлди. 2013 йилда фақат сув танқислиги оқибатида тупроқ намлигини етишмаслиги дехқончилик учун бироз қийинчилик туғдирди.

## *2.3. Тажриба тизими ва тадқиқот ўтқазиш услублари.*

Дала тажрибаси умумий қабул қилинган Ўз ПИТИ нинг “Методика проведения полевих и вегетационнихопитов с хлопчатником” (Союзнихи, 1973, 1981) хамда “Дала тажрибаларини ўтқазиш услублари” (Ўз ПИТИ, 2012) қўлланмалари асосида олиб борилди. Тажриба даласида хисоб-китоб ва кузатув ишлари хам умумий қабул қилинган Ўз ПИТИ нинг “Методика проведения полевих и вегетационних опитов с хлопчатником” хамда “Дала тажрибаларини ўтқазиш услублари” (Ўз ПИТИ, 2012) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тупроқ намуналарини олиш ва уларни агрокимёвий тахлил қилиш ишлари эса Методика агрохимический в поливних районнах (СОЮНИХИ, 1963) и Методика агрохимических анализов почв и растений Средней Азии (СОЮЗНИХИ, 1977) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Ғўзанинг амал даври давомида махаллий ўғит солинган вариантларда азот, фосфор, калий моддаларидан фойдаланиш самараси парваришлаш жараёнида сезиларли бўлди.

2.3.1-жадвал

**Тажриба тизими.**

| № | Вариантлар | Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га | | | Органик ўғит (гўнг) меъёри кг/га | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | N | P2O5 | K2O | Хайдов олидидан | Ўсув даврида |
| 1 | Очиқ усул | 250 | 175 | 125 | - | - |
| 2 | Плёнка остида | 250 | 175 | 125 | - | - |
| 3 | Очиқ усул | 125 | 85 | 65 | 20 | - |
| 4 | Плёнка остида | 125 | 85 | 65 | 15 | 5 |
| 5 | Очиқ усул | - | 65 | - | 20 | - |
| 6 | Плёнка остида | - | 65 | - | 15 | 5 |

## *2. 4. Ғўзанинг «Андижон-35» нави тавсифи.*

Нав Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот инстути (ЎзПИТИ) Андижон филиали 2000 йили селекциячилар Т.Комилов., Х.Эгамов ва бошқалар томонидан яратилган. 2000-2005 йиллари Давлат нав синаш тармоқларида текширилган. Навнинг амалий синовлари Фарғона вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида 2006 йилгача олиб борилган, 2006 йилдан Давлат реестрига киритилиб кенг майдонларда жорий этиш учун рухсат этилган.

Мазкур нав Андижон вилоятида 2006 йили 10 минг гектарга экилган, 2012 йилда вилоятнинг қарийб 20 минг, Фарғона водийсининг 35 минг гектар майдонида экилмоқда.

«Андижон-35» навининг тупи конуссимон шаклда бўйи 100-110 сантиметр пояси мустахкам, ётиб қолмайди, кучсиз тукланган, шохланиши 2-турга мансуб, биринчи хосил шохи 6-7 бўғиндан чиқади, ўрта пишар навлар сирасига киради, амал даври 123-125 кун.

Барглари ўртача катталикда 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, гултож барглари оч сариқ рангда.

Кўсаклари ўртача катталикда, овалсимон 4-5 чаноқли, тумшуқчали. Бир кўсакдаги пахта вазни 6,0-6,2 грамм.

Чигити тукли кулранг, 1000 дона чигит вазни 119-125 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли узунлиги 33,5-34,5 миллиметр, тола чиқиши 36-37 фоиз, пишиклиги 4,7-5,0 грамм, куч, нисмий узилиши узунлиги 28,6 км, метрик рақами 5850-5950, микронейри 4,7-4,8 V-саноат турига мансуб.

«Андижон-35» навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ келади.

Уни муайян майдон тупроқ шароитига, ернинг нишаблиги, рельефига монанд холда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларига экиш мумкин. Хар бир уяда 1 донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш маьқул бўлади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий, очиқ усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига кўра 3-4 кун олдин ёки кеч бўлиши мумкин. Чигит экиш чуқурлиги бошқа навлардан фарқ қилмайди.

Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда экилган бу нав чигити тез кунда, қийғос униб чиқади, соғлом дуркун ўсиб ривожлана бошлайди.

Чигитни униб чиқиши учун тупроқ намлиги етарли бўлмаган далаларда чигит суви бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади.

Чигитни текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача 1,5 чин барг хосил қилганда яганалаш ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қалинлиги қолдирилади. Хусусан, тупроқ унумдорлиги юқори майдонларда гектар хисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаларда 90-100 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст тошлоқ, адирли далалар шароитида 100-120 минг туп кўчат қалинлиги тавсия этилади.

«Андижон-35» ғўза навини амал даврида биринчи марта суғориш тупроқ шароитида хамда ўсимлик холатига қараб сизот суви чуқур

жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқ шароитида эса (захкаш ерларда) ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал сувлари ўсимлик холатига қараб, сувга талаб сезилганда ўтказилаверилади.

Мазкур навни маъдан ўғитлар билан озиқлантиришнинг йиллик меъёри азот билан 250 кг.га, фосфор билан 175 кг,га калий билан 125 кг,га, нисбатан эса 1:07:05 бўлиши лозим.

Маъдан ўғитлар билан озиқлантириш кечи билан оддий усул қўлланган майдонларда 10 июлда, плёнка қўлланган майдонларда эса 20 июнда тугатилиши керак.

Бу нав парваришланаётган далаларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, қамров кенглиги, сони амалдаги тавсияларга мос келади.

«Андижон-35» навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат қалинлигини хисобга олиб ўтказилади. Нав кўчат қалинлиги гектар хисобига 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 хосил шохи,90-100 минг туп бўлганда 13-14 хосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда эса 12-13 хосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини амалга ошириш тавсия этилади.

Чилпиш оддий усулда чигити экилган ғўзаларни 5 августда, плёнка усулида экилган ўсимликларни 20 июлда якунланади.

Ушбу ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари хамда дефолиация ўтказиш бошқа навларникидан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида амалга оширилади.

Ғўзанинг «Андижон-35» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу илмий тавсияларга риоя қилган ҳолда парвариш ҳосили етиштириш имконияти яратилади.

### *2.5. Агротехник тадбирлар.*

Дала тажрибасида ғўза агротехникаси Фарғона вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари учун амалдаги тавсиялар бўйича олиб борилди. Тадқиқотда ўрганилаётган омил ғўзанинг озиқлантириш мароми бундан истисно бўлиб тажриба тартиби асосида ўтқазилди.

Тажриба даласида агротехник тадбирлар белгиланган муддатларда ўтқазилди.Чигит экилгандан об-хаво харорати бироз қуруқ келганлиги сабабли, бир сув билан ундириб олинди. Очиқ майдонларга эса икки марта чигит суви берилди.

Ғўза амал даври давомида 2-3 марта озиқлантирилди. Бир марта чопиқ ва 3-4 марта ўтоқ ўтқазилди.Заруратга қараб қатор орасига трактор-культиватор ёрдамида 5-6 марта юмшатилди.Зараркунандаларга қарши ўз вақтида кураш олиб борилди. Тажриба даласида ғўзанинг С-6524 нави, 90х13-1 схемада экилди. Пахта хосили 3-4 марта териб олинди.

4.1-1 жадвалда дала тажрибасида ўтқазилган агротехник тадбирлар берилган.

2.5.1-жадлвал

## Ғўза агротехникаси

| № | Агротадбирлар | Муддати, сони | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Ер хайдаш | 12.12 | | | | |
| 2 | Эрта бахорги шихмола | 20.03 | | | | |
| 3 | Ер текислаш | 3.04 | | | | |
| 4 | Экиш | 7.04 | | | | |
| 5 | Чигит суви | 15.04 | 22.04 | | | |
| 6 | Суғориш очиқ усул | 3.06 | 7.07 | 5.08 | 2.09 | |
| 7 | Суғориш плёнка усул | 8.06 | 18.07 | 26.08 | | |
| 8 | Культивация | 28.04 | 22.05 | 8.06 | 17.07 | 10.08 |
| 9 | Яганалаш | 7.05 | | | | |
| 10 | Чопиқ ва ўтоқ | 29.04 | 14.05 | 12.06 | 22.07 | |
| 11 | Озиқлантириш | 23.05 | 29.06 | | | |
| 12 | Чилпиш | 29.07 | | | | |
| 13 | Зарарк. қар. кураш | 18.06 | | | | |
| 14 | Дефолияция | | | | | |
| 15 | Хосилни йиғиштириш | 19.09 | 30.09 | 12.10 | 20.10 | |

Жадвал маълумотларига кўра тажриба даласида 2013 йил бахорида ёғингарчилик миқдори кам бўлганлиги туфайили чигитни тўлиқ ундириб олиш учун икки марта суғорилган. Мазкур йилда чигит оддий усулда экилган майдонларга ғўза амал даврида тўрт марта, плёнка остига экилганда эса уч марта суғорилган холос.

# 4. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

## *4. 1. Суғориш олидидан тупроқ намлиги.*

Тажриба даласида тупроқ намлигини ўлчаш асосида иккала усулда хам ЧДНС га нисбатан 70-60-70 фоизга етқазиб суғорилди. Суғориш очиқ усулда 4 марта, плёнка усулида 3 марта суғорилди. Амал даври давомида плёнка остига экилган вариантларда биринчи сув 41-47 кундан кейин суғорилди.

Хар иккала усулда ғўзанинг суғориш давомийлиги вақт жихатидан бир-биридан фарқ қилган бўлиб, очиқ усулга нисбатан плёнкали вариантда 30-35 фоизга камроқ сув сарфланди. Шунингдек, амал даври давомида очиқ усулда суғориш ўртача 46.3 соат давом этиб, 3248 м3 сув сарфланди.Плёнка остига экилган вариантларда эса 27.7 соат давомида 2078 м3сув сарфланди.

Мазкур ғўза парваришида суғоришлар очиқ усулда 1-2-1 ва плёнкаусулда 0-2-1 тартибига тўғри келди.

Демак, ғўзанинг амал даврида плёнка остига экилган вариантда сув сарфи очиқ усулга нисбатан кам бўлиб, 1170 м3сув тежалди.

## *4.2. Ғўзанинг ўсиши.*

Чигитнинг 7.04 куни экилган бўлсада униб чиқиш вариантлар мисолида деярли хеч қандай фарқ кузатилмади.

Хусусан 1 июн ва 1 июл кунлари ўтқазилган кузатувда ғўзанинг ўсиши вариантлар бўйича турлича бўлди.

Плёнка остига ва очиқ майдонларга минерал ўғит солинган вариантларга нисбатан махаллий ўғит солинган плёнка остига экилган майдонли вариантларда асосий поя баландлиги (бўйи) ва чинбарглар сонида устунлик намоён бўлди.

1.08 куни ўтқазилган кузатувда очиқ майдонлар билан плёнка остига экилган вариантларда асосий поя баландлиги юқорироқ бўлди.

**3.2.1-жадвал**

## Чигитнинг униб чиқиши.

| № | Вариантлар, N,P, K ва махаллий ўғит | Униб чиқиши, % | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 10 | 50 | 100 |
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 15.04 | 23.04 | 26.04 |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 14.04 | 22.04 | 25.04 |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 15.04 | 22.04 | 25.04 |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15:5 | 15.04 | 23.04 | 26.04 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20 | 15.04 | 22.04 | 26.04 |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15:5 | 14.04 | 22.04 | 24.04 |

**3.2.2-жадвал**

## Ғўзанинг ўсиши.

| № | Вариантлар,<br>N,P, K ва махаллий ўғит | Асосий поя баландлиги, см | | | Чинбарглар сони, Дона |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1.06 | 1.07 | 1.08 | 1.06 |
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 16.5 | 47.6 | 85.8 | 5.3 |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 16.7 | 49.8 | 89.2 | 5.3 |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 16.9 | 46.7 | 85.5 | 5.6 |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15т:5т | 17.5 | 48.6 | 89.2 | 5.7 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20т | 16.4 | 49.7 | 89.0 | 5.7 |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15т:5т | 16.5 | 49.4 | 89.3 | 5.3 |

Лекин 1 август кунги ўтқазилган кузатувда ғўзанинг ўсиши 1-вариант 250:175:125, 3-вариант 125:85:65+20 тонна ва плёнка остига экилган 2-вариант 250:175:125 ва 4-вариант 125:85:65+20 тонна солинган вариантларда хеч қандай фарқ кузатилмади.

Минерал ўғит 50 % камайтирилиб, махаллий ўғит солинган вариант хамда 250:175:125 кг минерал ўғит солинган вариантларда ғўзанинг ўсиши учун бир хил шароит яратилганлиги маълум бўлди.

Хисобот йиллари тажрибада қўлланилган агротадбирлар ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида ўзининг хар томонлама ижобий самарасини кўрсатди.

Маъдан ўғитлар меъёрини икки бараварига камайтирган холда органик ўғитларнинг турли муддатларда қўллаш натидасида тажриба вариантларида соф экологик махсулот етиштириш имкониятларини яратди. Шунингдек, ғўза парваришида маъдан ғўитларниистисно қилиб, фақат органик ўғитлар билан озиқлантирилиши ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва хосил олишда бошқа вариантлардан қолишмади.

### *4.3.Ғўзанинг ривожланиши.*

Ғўзанинг ривожланиши, хосил элементларини шаклланиши 1 июл куни ўтқазилган кузатувда шоналар сони бўйича 2-вариантда 10.1 дона бўлиб, очиқ усулли вариантга нисбатан 1.4 дона, махаллий ўғит солинган 4-вариантга нисбатан 1.6 дона юқори бўлган.

Хусусан 1 август куни ўтқазилган кузатувда хосил шохи очиқ майдонли ва плёнка остига экилган вариантларда омиллар ўртасида фарқ кузатилмади.

250:175:125 кг минерал ўғит солинган очиқ усул ва плёнка остига 250:175:125 кг солинган вариантлар ўртасида 0.8 дона, очиқ 125:85:65+20 т ва плёнка остига 125:85:65+20 т махаллий ўғит солинган вариантлар ўртасида 0.7 дона юқори бўлди.

**3.3.1-жадвал**

**Ғўзанинг ривожланиши.**

| № | Вариантлар,<br>N,P, К ва махаллий ўғит | 1.07 | | | 1.08 | | Кўсак сони, дона | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Хосил шохи, дона | Шонаси, Дона | Гуллар сони, дона | Хосил шохи, дона | Шонаси, дона | 1.08 | 1.09 |
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 6.1 | 8.7 | 0.6 | 12.3 | 5.2 | 6.0 | 11.9 |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 6.2 | 10.1 | 0.6 | 13.1 | 15.8 | 6.7 | 11.3 |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 6.4 | 8.3 | 0.5 | 12.4 | 15.9 | 5.5 | 12.3 |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15т:5т | 6.0 | 8.5 | 0.9 | 13.1 | 17.4 | 6.7 | 12.8 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20т | 6.2 | 8.8 | 0.6 | 12.7 | 16.5 | 6.3 | 12.5 |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15т:5т | 6.3 | 8.8 | 0.9 | 12.7 | 17.6 | 6.5 | 12.4 |

Маъдан ўғитлар ва махаллийл ўғитларниг самараси хосил элементларини шаклланишида яққол намоён бўлди. Минерал ўғитни 50 % камайтириб, махаллий ўғит солинган вариантда хосил шохларини шаклланишида хеч қандай ўзгариш кузатилмади.

### *4.4.Ғўзанинг гуллаши ва пишиб етилиши.*

Ғўзанинг гуллаш жараёнида плёнкали ва плёнкасиз вариантлар бўйича жиддий ўзгаришлар бўлмади. Барча вариантлардаги ўсимликлар гуллаш фазаси бошланишини 50 фоизли кузатувидан сўнг бирин-кетин 6-8 кунда 100 фоиз қийғос гулга кирди.

Бироқ одатдаги 250:175:125 кг минерал ўғит қўлланган (1-2) варианларда маъдан ўғитларнинг 50-100 фоизга камайтириб (3-4 ва 5-6) вариантларда органик ўғитлар солинган вариантларда гуллаш 2-3 кун эртароқ бошланди.

Ғўза парваришида маъдан ўғитларни камайтириб органик ўғит солинган вариантларда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва хосил олишида бошқа вариантлардан қолишмади.

Жумладан, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишида органик ўғитларнинг самараси юқорироқ бўлиб, пахта хосилдорлигида вариантлараро катта тафовутлар кузатилмади. Шунга қарамасдан маъдан ўғитлар меъёрини икки бараварга камайтириб органик ўғит (гўнг) солинган ва маъдан ўғитлар солинмаган хар йили кузда ва ғўзанинг амал даврида 20 тоннадан фақат гўнг солинган вариантларда хам ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадал борди.

Пахта хосилининг пишиб етилишида қўлланган агротадбирларнинг таъсири сезиларли бўлди.

1 сентябр холатига кўсаклар сони минерал ўғит камайтирилиб, махаллий ўғит солинган вариантларда юқорироқ бўлди. Шу билан бирга очилган кўсаклар сони эса плёнкали вариантларда устун бўлди.

Махаллий ўғит солинган 3- вариантларда минерал ўғитли 1-2 вариантларга нисбатан 0.4-1.5 дона кўп холатда бўлди.

**4.4.1-жадвал**

**Ғўзанинг гуллаши ва хосилнинг пишиб етилиши.**

| № | Вариантлар, N,P, К ва махаллий ўғит | Гуллаш, 100% | Кўсак сони, 1.09.08 й дона | Шундан очилган Кўсаклар сони, дона | Пишиб етилиш, 100 % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 9.07 | 11.9 | 3.4 | 7.09 |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 9.07 | 11.3 | 4.0 | 7.09 |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 6.07 | 12.3 | 2.9 | 6.09 |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15т:5т | 7.07 | 12.8 | 3.9 | 5.09 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20т | 6.07 | 12.5 | 3.7 | 7.09 |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15т:5т | 7.07 | 12.4 | 3.9 | 5.09 |

Аммо умуман минерал ўғит солинмай фақат махаллий ўғит солинган 5-6 вариантларда хам бу кўрсатқич 1-2 вариантларга нисбатан (0.6-1.1 донага) устунлик кўрсатди.

Хамма вариантларда пишиб етилиш 1-2 кунга ўзгариш билан якунланди. Лекин катта фарқ кузатилмади.

100 фоиз пишиб етилиш 4-6-вариантда 5 сентябрга, 3-вариантда 6 сентябрга, 1-2-5 вариантда 7 сентябрга тўғри келди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, плёнкали вариантларда очиқ усулга нисбатан ўсимликлардаги кўсакларнинг очилиш суръати жадаллик билан борди.

Натижада бу вариантларда пахта хосилининг 70-80 фоизи 1-теримга пишиб улгурди.

Тажриба вариантлардаги кўчат қалинлиги тажриба ўтқазиш учун меъёрида бўлиб, назорат кўчат қалинлигидан жиддий четга чиқиш кузатилмади.

### *4.5. Пахта хосилдорлиги.*

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўрганилаётган омиллар хамма вариантларда ўз самарасини пахтанинг пишиб етилишида яққол кўринди.

Пахта хосилининг пишиб етилиши вариантлар бўйича биринчи теримдан олинган пахта хосилдорлигидан хам билиб олса бўлади.

Пахта хосилини пишиб етилиши очиқ усулга нисбатан плёнка остига экилган вариантларда эртароқ эканлиги кузатилди.

Плёнка усулидаги вариантларда эртакилиги кузатилган бўлсада, териб олинган пахта хосили бўйича маъаллий ўғит солинган 4-5 вариантларда асосий хосил биринчи теримда териб олинди. Шуни таъкидлаш жоизки пишиб етилган пахта хосилининг юқори навларга сотиш имкони плёнка остига экилган вариантларда яна хам аниқроғи органик ўғит солинган вариантларда пахта хосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиштириш имконияти яратилар экан.

**4.5.1-жадвал**

**Теримлар бўйича пахта хосидорлиги, ц/га.**

| № | Вариантлар, N,P, K ва махаллий ўғит | Теримлар бўйича | | | Умумий хосил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | Жами | Назоратдан фарқи +,- | |
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 22.5 | 6.9 | 3.1 | 32.5 | | |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 24.6 | 7.7 | 2.4 | 33.7 | +1.2 | |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 26.9 | 3.7 | 2.1 | 32.7 | | |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15т:5т | 27.8 | 5.1 | 2.9 | 35.7 | +3 | -2 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20т | 25.4 | 3.1 | 2.3 | 30.8 | | |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15т:5т | 26.5 | 3.3 | 2.8 | 31.6 | +0.8 | -4.1 |

Барча вариантларда пахта хосилдорлиги вариантларда турлича бўлди. Энг юқори хосил плёнка остига 50 фоиз маъдан ўғит қисқартирилиб, махаллий ўғит солинган вариантда 35.7 ц/га бўлди. Плёнка остига 250:175:125 кг маъдан ўғит солинган вариантда эса 33.7 ц/га ни ташкил этди.

Очиқ майдонларга нисбатан плёнка остига экилган вариантларда устунлик намоён бўлди. Масалан: 1-вариант (очиқ)га нисбатан 2- вариант (плёнка) 1.2 ц/га, 3-вариант (очиқ) га нисбатан 4-вариант (плёнка) 3.0 ц/га, 5-вариант (очиқ) га нисбатан 6-вариант (плёнка) 0.8 ц/га юқори хосил олинди.

### *4.6. Пахта толасининг технологик сифат кўрсатқичлари.*

Тажриба якуни бўйича турли агротадбирларни қўллаш натижасида пахта толасининг сифат кўрсатқичлари анчагина яхшиланди. Хусусан толанинг асосий штапеллигини белгиловчи метрик рақами маъдан ўғитлар солинмаган фақат органик ўғит қўлланган 4-5 вариантларда назорат вариантларга (1-2) нисбатан 2.1-3.5 фоизгача дағаллашиб борганлиги кузатилди.

Тажриба вариантларида эса аксинча тадбирлар таъсирида бу кўрсатқичлар таъсирида бу кўрсатқичлар анча яхшиланди, метрик рақами 2.5-3.0 фоизгача ортиб тола майинлашиб борган.

Худди шунингдек, маъдан ўғитлар меъёри 50 фоизга камайтирилган ва гектарига 20 тонна органик ўғит қўлланган вариантларда тола узунлиги 0.6-1.0 мм га узуайган тола чиқими эса 0.7 фоиздан 1.2 фоизгача назорат вариантга нисбатан ортиб борган.

**4.6.1-жадвал**

**Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари.**

| № | Вариантлар, N,P, K ва махаллий ўғит | Толанинг метрик рақами | Толанинг пишиқлиги, г/куч | Толанинг узилиш қуввати, км/текс | Толанинг узунлиги, Мм | Толанинг чиқиши, фоиз | 1000 дона чигит вазни, грамм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Очиқ 250: 175: 125 | 5960 | 4.6 | 27.4 | 31.5 | 32.6 | 132 |
| 2 | Плёнкали 250:175:125 | 5750 | 4.5 | 25.9 | 31.4 | 33.0 | 133 |
| 3 | Очиқ 125: 85: 65+20 т | 6040 | 4.4 | 26.6 | 32.4 | 33.2 | 133.5 |
| 4 | Плёнкали 125:85:65+15т:5т | 5920 | 4.5 | 26.6 | 32.2 | 33.7 | 134.0 |
| 5 | Очиқ 0:65:0+20т | 6000 | 4.5 | 27.0 | 32.3 | 33.4 | 133.6 |
| 6 | Плёнкали 0:65:0+15т:5т | 5880 | 4.6 | 27.0 | 32.0 | 33.4 | 133.8 |

**5. Чигитни плёнка остига экиб, экологик соф пахта хосили етиштиришда техника хавфсизлиги қоидалари ва мехнатни мхофаза қилиш.**

ҚХМТ йўналишига) Қишлоқ хўжалиги мехнатни ўзига хос хусусиятга эга . қишлоқ хўжалиги ишчи хизматчиларнинг мехнат шароити ва характерида акс этади, хамда уларга нисбатан одамлари асосий ишлаб чиқариш билан машғуллик даражаси ва танглиги йиғим терим пайтида яни нисбатан масоулиятли даврда мехнатни ва дам олишни самарасиз тартиблашиши каби меҳнат томонлари акс этади.Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришда ,турли пестицидлар ва минерал ўғитларнинг қўлланилиши ҳам ишчи –хизматчиларни меҳнат шароити ва қатор ҳолларда нафақат бевосита шу иш билан шуғилланувчи ишчилар ,балки аҳолининг ката гурухлари соғлигига салбий таосир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги меҳанизаторларининг меҳнат гигиенаси

Қишлоқ хўжалиги меҳанизаторларининг меҳнатини шартли 4та асосий босқич ёки даврга ажратиш мумкин-екишгача ерга ишлов бериш ва экиш жараёни (баҳор,куз) ,екинларни парваришлаш (баҳор оҳири ,ёз) хосилни йиғиш (ёз, куз бошида) қишлоқ хўжалиги техника асбоб ускуналари таомирлаш . бу шартли мехнат ажратмалари махнат шароитлари турли босқичларда ахамиятли фикрланиши натижасида белгиланган. 1- ва 2- босқичларда ерга ишлов бериш ва экин пайтида хамда экинларни парвариш қилиш жараёнларида Қишлоқ хўжалиги механизаторлари турли маркали тракторларда ишлайди хосилни йиғим терим механизаторлар комбайнларда хам ишлайди . қишда комбайнчилар ва тракторчилар слесар такловчилар каби техникани саралаш ва тамирлаш билан шуғуланадилар хамда қорни тозалаш далаларга табиий ўғит билан ва бошқа ишларни бажаради.

Меанизаторлар мехнат фаолияти давомида асосий хиссиёт тагликларни ташқари физик ва кимёий табиатли ишлаб чиқариш факторлар таосир этади . бу факторларни комплекс холатда частотала сохасида кузатилади.

Механизаторларни хар бир Қишлоқ хўжалиги машинасидаги иш натижасида вибрация таосир этади . вибрация машинанинг двигатели ходовой системалар ва бошқалар томонидан хосил бўлади , у бажарилаётган иш, тупроқ тузилишига агрегати харакат тезлиги тупроққа дастлабки ишлов бериш сифати машинадан фойдаланиш муддатлари тамирлаш ишлари машина ва хоказоларга боғлиқ вибрация юқори частотали паст частотали ва толчоқсионларга фарқлаш мумкин . замонавий Қишлоқ хўжалиги ўтириш кабинаси ўриндиғИ кучли амортизация рухсат этилган қийматдан ошмайди. Механизаторлага халақит бераётган толчоқсимон вибрациянинг турли ампитудада бўиши толчоқларнинг тупроқларнинг релларига-- боғлиқ. Бундай шароитларда тўлқинсимон вибрация рухсат этилган кўрсатгичдан 5-10 марта ортиши мумкин . бундай ўзгаришлар частота ва амплитудалари чусеницали тракторларда гилдираклиларга нисбатан паст бўлади.

Механизаторнинг ишчи хонасидаги зарарли газ буғлари миқдори ва концентрацияси турли сабабларга боғиқ жумладан кабинани герметиклиги двигателлар таомирлаш ва тех хизмат сифати двигателларга ишчи юклама ундан фойдаланиш муддати шамолли кучи ва эсиш йўналиши ёқилги таркиби ва бошқалар. Тўлиқсиз ёниш махсулотлар концентрацияси янги транспортда 3-5 пастроқ худди шу маркали 4-5 й олдин фойдаланган тракторларга нисбатан механизатор мехнати Қишлоқ хўжалиги бошқа мутахассисликлардан ажратиб турувчи қатор белгилари мавжуд :

-Кундалик иш тартиби мавжуд эмас механизаторларни машгуллик даражаси турлилиги ишларни мавсумийлиги:

-маолум универсаллик (турли машиналарда иш трактор,комбайн ва хоказо,улар турли маркали ва хоказолар).

-фаолияти турлиги ва технологик қўлланмаларни хилма- хиллиг( қорни ушлаш,далага ўғит солиш ,ер ҳайдаш ,ерга ишлов бериш ,хосил йиғиш,техникани таомирлаш ва ҳоказо)

- гигиеник ноқулай шароитларда мехнат қилиш унга ишлаб чиқаеиш зарари томонларини таосир этиши ва уларни одатда рухсат этилган миқдорда болиши

Ноқулай пайтада ишлаш статистик ва динамик мушақларни ва нерв тизимини зуриклаш йилни турли даврларида мехнат иа дам олиш вактларини фарк килиши;

## МЕХНАТНИ ВА АТРОФ МУХИТНИ МУХАФАЗА КИЛИШ.

Кишлок хужалигида екинларни екиб етиштириш ва хосилини йигиштириб олишгача булган даврни турли хил кишлок хужалиги техника ва механизмлар билан олиб бориладиган мехнат жараени ташлил килади .

Хозирги кунда кишлок хужалигида барча асосий ишлаб чикариш жарайонлари ва ердамчи операцияларнинг асосий кисми механизацилаштирлган .Ендиликда кишлок хужалиги екинларини осилдорлигини ошириш махсулот сифатини юкори булиш ва таннархининг арзон булиши …

## 6. Корхоналари модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жихозлаш ва юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш борасида юритилган фаол инвестиция сиёсати.

1 Ўзбекистон республикасида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция мухитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2013 йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш хажми 13млрд. Долларни ташкил этди , бу эса 2012 йилга нисбатан 11,3 фоиздан кўп демакдир . Жалб этилган хорижий инвестициялар хажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими уларнинг асосий қисми тўғридан- тўғри киритилган инвестициялар бўлиб уларнинг хажми 1,8 баробар ошди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар хажмининг 3 млрд доллардан ортиғини хорижй инвестициялар ташкил этди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар , аввало , тўридан тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш , янги иш ўрнлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики , чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида хал қилувчи омиллардан бири бўлган.

2. Ўзбекистон республикасига хорижий инвестихорижларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистонда хорижий инвестихорижларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш сохасидаги асосий меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг “ Инвестиция фаолияти тўғрисида“ги Қонуни, 4.12.1998 й.
- Ўзбекистон Республикасининг “ Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги Қонуни , 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг “ Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида” ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори , 28.10.2009 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 11.04.2005 й.

3. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури бу- давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалгам ошириладиган чора-тадбирлар хамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал ҳуқуқий база тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури- ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши хисобга олинган ижтимоий- иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди.

Инвестиция дастури алохида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг(давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий)

Инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чора тадбирлар тизимини назарда тутади. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалгам ошириш билан боғлиқ фаолиятлари йиғиндисидир.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалгам ошириш мақсадида инвестиция дастури ишлаб чиқилади.

Инвестиция дастури – республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом-ашё, молиявий, моддий ва мехнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегис вазифаларини амалгам оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069- сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 15 та лойиха бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиханинг бири бўлиб “. Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш лойихаси “ ҳисобланади. лойиханинг мақсади. Мева сабзавотчиликни ривожлантириш лойихаси . Ўзбекистон Ҳукуматига мева сабзавотчилик сектори ишлаб чиқарувчанлиги, даромадлилигини, хамда рақобатбардошлилигини яхшилашда кўмак беришга ққаратилган.

Лойиха мақсадларига қуйидаги хизматлар орқали эришиш кўзда тутилган бўлиб булар:

1. қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш мақсадида хозирги кундаги махсулотларни замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, сақлаш, уларни йиғим-теримдан кейинги босқичлари ва маркетинги бўйича керакли билим ва тажрибаларни бериш
2. аграр бизнеснинг мева-сабзавотчиликфаолияти йўналишига молиявий хизматларни кўрсатиш, хусусан мазкур секторда рақобатбардошликни мустахкамлаш , махсулотнинг сифат ва хавфсизлик стандартларини ошириш шунингдек бозор муносабатларига йўналтирилган алоқаларни яратиш хахамда
3. лойихани бошқаришда мониторинг қилишда ва бахолашда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги корхоналаини таркибий қайта тузиш агентлигининг потенсиалини ошириш.

Кейинги йилларда жадал ривожланаётган Фарғона вилоятига хорижий инвстицияларни жалб этишда мухим ишлар бажарилди. Биргина 2013 йилда вилоят иқтисодиётига 125 млн доллардан ортиқ хориж инвестицияси киритилишига эришилди. Бу борадаги хамкорлик кўлами пахта толаси , трикотаж махсулотлари, қуёш батареялари , қурилиш материаллари, оёқ кийимлари, мева-сабзавотни қайта ишлаш сохаларида яққол ўсиб бормоқда. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069- сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 15 та лойиха бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Хорижий инвестицияларни иссиқ хоналарда етиштириладиган помидорларни сифатини ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида

7. Иқтисодий самарадорлик

| Вариант | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳосилдорлик (ц) | 31.0 | 33.0 | 32.9 | 36.0 | 24.1 | 25.0 |
| 1ц пахтанинг таннархи | 105000 | | | | | |
| 1га кетган умумий сарф харажат (сум) | 2760000 | 2960000 | 2460000 | 2660000 | 1910000 | 2110000 |
| 1га дан умумий сотишдан тушган (сум) | 3255000 | 3465000 | 3465000 | 3780000 | 2520000 | 2625000 |
| 1га дан соф фойда (сум) | 495000 | 505000 | 1005000 | 1120000 | 610000 | 515000 |
| Рентабеллик % | 17,9 | 17 | 40,8 | 42.1 | 31.9 | 24.4 |

# 8. ХУЛОСАЛАР

1. Чигитни плёнка остига экилган вариантларда йиллик сув сарфи камайиб, 1170 м3 сув тежалди.

2. Чигити плёнка остига экилган вариантларда нихоллар эрта униб чикди ва дуркун ривожланди.

3. Гуза парваришида маъдан угитлар билан бирга гектарига 20 тонна махаллий угит солинган очик усулдаги вариантда пахта хосилдорлиги 32,7 ц/га ни ташкил этди, махаллий угит ишлатилмаган назорат вариантда эса пахта хосили 32,5 ц/га олинди.

Маъдан угитлар билан бирга 20 тонна махаллий угит солинган плёнка усулдаги вариантда пахта хосилдорлиги 35,7 ц/га ни ташкил этди, махаллий угит ишлатилмаган назорат вариантда эса 33,7 ц/га пахта хосили олинди.

4. Гуза парваришида маъдан угитлар билан бирга гектарига 20 тонна махаллий угит ишлатилганда назорат вариантларга нисбатан пахта толасининг метрик раками, узунлиги хамда тола чикиши сезиларли даражада ощди.

5. Чигитни плёнка остига экиб, маъдан угитларга махаллий угит кушиб ишлатилганда урганилган бошка вариантлардан нисбатан иктисодий жихатдан самаралирок булди.

6. Ушбу мавзу буйича утказилган тажриба маълумотларига кура маъдан угитларга махаллий угит (гунг) ни маълум микдорда кушиб ишлатилса пахтадан юкори хамда экологик соф махсулот етиштириш мумкин.

# 9. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов. И. А. Вазирлар Махкамасининг плёнка остига чигит экиш холатини кенгайтириш хақидаги 2000 йил 7 ноябрдаги 433-сонли қарори. Т. 2000 йил.

2. Азизов Б. Ва бошқалар чигитни плёнка остига экишнинг ахамияти. Андижон технологияси илмий амалий анжуман. Андижон 2002 йил 43-45 бет.

3. Бахрамов С Андижон услуби: авзалликлар, муоммолар. Андижон илмий амалий анжуман. Андижон 2002 йил 109-112 бет

4. Жуманиёзов М, Султонов М, Ёқубжонов О, Пахтачиликда Андижон услуби, плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш технологияси. Тошкент 1997 й. 22-бет

5. Ибрагимов Н. М. Питательный режимночвы при разних сроках внесения азотний удобрений с использованием полиэтиленовой плёнки. Тошкент-1989 г

6. Кобулов. И. Андижон технологияси буйича эришилган ютуклар ва вазифалар. Андижон технологияси. Илмий амалий конференция. Андижон 2002 й. 1-китоб 8-10 бет.

7. Махмудов О. Андижон услуби: Тулик кучат олингач. Узбекистон кишлок хужалик журнали. 1997 й. №3

8. Махмудов О, Неъматов Г, Бахрамов С. Чигитни плёнка остига экиш. УзПИТИ илмий маколалар туплами. Т-1996 й.

9. Махмудов О. Бахрамов С, Рахмонов У. Чигитни плёнка остига экиб, парваришлаш. Андижон-2002 й.

10. Махмудов О. Хайдаров А, Плёнка остига экилган гузаларни озиклантиришнинг макбул муддатлари. Рес. Илм. Кон. Тош ДАУ Т-2002 й.

11. Мирзажонов К. Плёнка остида гуза етиштириш. Узбекистон кишлок хужалик журнали, 2002 й, №5

12. Нурматов Ш, Назаров Р, Махмудов О. Пахтани плёнка остига экиш ва сифатли пахта етиштириш буйича Андижон технологиясининг талаблари. Узбекистон кишлок хужалик журнали, 1997 й, №1

13. Орипов Р, Останакулов С. Гуза устириш технологияси. Самарканд 1999 й. 45-бет

14. Обидов К, Султонов М. Андижон услуби: тажрибалар самараси. Узбекистон кишлок хужалик журнали, 1997 й, №1

15. Пистоли А. С. Мульчирования посевов хлопчатника как средство устранения почвеннай корки. Тезисы.докл. Рес. Конф. Андижонского филиала УзПИТИ Андижон-1990 й

16. Рахмонов У, Махмудов О, Бахрамов С, Якубжонов О. Чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш. Андижон вилоятининг илмий асосланган дехкончилик тизими. Андижон-2002 й. 38-43 бет

17. Хайдаров А, Махмудов О, Плёнка остидаги гуза агротехникаси. Узбекистон кишлок хужалик журнали, 2003 й № 3

18. Розиков К, Хамраев К. Пахтачиликда органик угитлар. Тошкент-1977 й

19. Махмудов А. Роль севоборота в расширенном воспроизводстве плородия светлих сереоземов, повышинний эффективности интенсивной технологии возделывания хлопчатника. Автореферат дессертации на соискание ученой степении доктора сельскохозяйственниых наук. Тошкент-1994 й.

20. Максудов А. Щзбекистон тупроылари. Фарьона 1996 й.

21. Исаев Б.М. Ьщзани пуштада щстирганда щьитлаш. ЩзПИТИ ъисоботи, 2002 й.

22. Рыжов С.Н., Кондратюк В.П., Погосов Ю.А. Возделивание хлопчатника по грядом и гребням. Т., 1972

23. Умаров М.У. (ред.) Почвы Узбекистана Т., 1965

24. Рыжов С.Н. Орошаемое земледелие Т., 1965

25. Кашкаров А.К., Файзиев Т. Гребневая кулртура хлопчатника ж-л с/х Узбекистан. 1972 №2
26. Кауричев И.С. Почвоведение М. 1985
27. Кондратюк В.П. Обработка почвы под посев хлопчатника Т., 1979 й.
28. Мирзажонов К. ва бошы. Ьщзани парваришлашда сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар бщйича тавсиялар Т., 2002
29. Ыщзиев Р. Бщз - воъа тупроылари ва уларнинг ривожланиши ва унумдорлиги. Т., 1991
30. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв Узбекистана «ФАН». Т.. 1975
31. Хлопчатник Т., АНУз СС 1957 т.2.
32. Щрозметов Н., Абдукаримов А. Фарьона вилояти щтлоыи соз тупроы шароитида ёпиы ва ётиы зовур шахобчаларини мелиоратив самарадорлиги. «Фермер хщжаликларида пахтачилик ва ьаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Халыаро илмий-амалий конференция маорузалари асосидаги маыолалар тщплами». Т., 2006 й.
33. Авлиёыулов А. Пахтачиликда деъыончилик тизимининг баози хусусиятлари. Халыаро илмий-амалий конференция маорузалари асосидаги маыолалар тщплами». Т., 2006 й.
34. Сафаров Е.Ш., Насыров М., Собиров А. Использование вод различных источников орошения на полоивы хлопчатника. В кн. Орошение в хлопководстве. Т. 1974
35. Лифшиц Э.А., Хандрояник Я.П. Влияние строения почвогрунтов и орошения на исползование влаги хлопчатником в кн. Оошение в хлопководстве. Т. 1974

## ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

## КИШЛОК ХУЖАЛИК КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Кишлок хужалик корхонасида ишлаб чикаришнинг замонавий техника ва технологиядан фойдаланиб режалаштириш хозирги бозор иктисодиети шароитида мухим ахамият касб этади. Хужаликлар янги машиналар билан тобора купрок таъминланаетган техника тараккети даврида, техника тараккиети ходимлар малакасига, мехнатни ташкил килишга тобора купрок талаблар куйилади. Бирок техника тараккиетини ишлаб чикаришга таъсири шу билан чекланмайди. Янги машиналарни жорий килиш билан кишлок хужалик ишларини олиб бориш технологияси, услублари тубдан узгаради. Дехкончилик ва чорвачилик ишларини олиб боришда илмий техника тараккиети кандай янги технологик усулларни хужаликларга тавсия этади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш хакида фикр юритадиган булсак, ишлаб чикарищдаги техника тараккиетининг мухим йуналиши техникани мунтазам равишда такомиллаштиришдан, эскирган техникани янги, бирмунча унумлирок ва тежамлирок техника билан алмаштиришдан иборат.

Техникани такомиллаштириш машиналар, агрегатлар ва механизмлар кувватини орттириш, уларнинг ишлаш тезлигини орттириш, уларнинг ишлаш тезлигини ошириш, бошкаришда, одатда, куп жисмоний мехнат сарфланишини талаб килувчи оддий машиналардан ярим автомат ва автомат машиналар, комплекс-механизациялашган ва автоматлашган корхоналарга утиш йули билан бормокда.

Дехкончиликнинг хамма тармокларида буш механизациялаштирилган тармокларида хам, хозирги пайтда анча юксак даражада механизациялаштирилган тармокларида илгор технология жорий

килинмокда. Дехкончиликда бошка тармокларга нисбатан юксак даражада механизациялаштирилган галлачилик хужаликларида технологияни такомиллаштиришнинг бир неча операцияларни бир-бирига кушиш ва уларни бир комбинациялаштирилган сеялкакультиватор бунга мисол була олади. Бу технология ерни ишлаш ва экинни парвариш килиш учун кетадиган харажатларни кискартиришда фойда беради. Шундай йул билан ишни тезрок ва энг яхши агротехник муддатларда амалга оширишга эришилади. Янги технология похол ва сомонни йигиштириб олишда тобора кенг жорий килинмокда. Маълумки, бу ишлар хозиргача хам куп жойларда механизациялаштирилмаган. Аммо похол ва сомонни механизация ердамида йигиштириб олишнинг кулланилаетган технологияси юксак даражада такомиллашмаган. Дехкончиликнинг бошка тармокларида технологияни такомллаштиришнинг узига хос томонлари бор. Бу хол кул мехнати урнини машиналар эгалласа, бошка холда механизациялашган ишлар технологияси такомиллаштирилади.

Баъзида ана шу икки йуналиш бир вактда амалга оширилади.

Масалан, кандлавлаги етиштиришда уни кавлаб олгандан кейин юклаш ва тушириш учун шунингдек, илдизини кулда тозалаш учун шунингдек, илдизини кулда тозалаш учун куп маблаг ва мехнат сарфланади. Лавлагини йигиштириб олишнинг янги технологияси - поток усули ва поток булиб ташиш усули лавлаги етиштиришда ердам беради. Бу усуллар канлавлаги етиштиришдаги янги технологиянинг ажралмас кисми хисобланади. Бу технология юксак дехкончилик маданияти негизида эгатларнинг равон ва эгатлар орасидаги кенгликни бир хил булиши, тупрокни юмшок холда саклаш имконини беради. Бу эса лавлаги етиштириш комбайнларини юксак унум билан ишлашини, юкори ва мутассил хосил олинишини таъминлайди.

Технологияни такомиллаштириш сугориш ишларида айникса катта ахамиятга эга. Кейинги йилларда сугориладиган ерларга дон экинларини экиш тобора ортиб бормокда. Дон экинларини етиштиришда жадал

техноолгияни куллаш угитнинг самарадорлигини кескин оширади. Маълумки, бугдой етиштиришда азот, фосфор ва бошка экинларни тугри кушиб солиш - бугдойда оксил моддасини купайтиради. Прогрессив технологияда уругчилик мухим урин тутади. Интенсивлаштиришнинг ва дехкончилик маданиятининг усиши ишлаб чикаришга янги навларни жорий килишни талаб килади. Техника тараккиети шароитида чорвачиликда хам технология такомиллашмокда. Бу жараеннинг формалари хам хилма-хилдир. У механизацилаштириш ва техника билан таъминланганлик даражаси хар хил булган барча тармоклар ва хужаликларни камраб олади. Бирок, шуни айтиш кеакки, технологиядаги энг чукур ва туб бурилиш чорвачиликни саноат асосига кучириш билан богликдир.

Агар фермада комплекс-механизация амалга оширилган, ишлаб чикаришни техника билан таъминлаш юксак даражада булса, купинча бу ерда ишлаб чикариш саноат асосига кучирилган деб хисоблайдилар. Комплекс механизация мухим элемент хисобланади, албатта. Бирок кишлок хужалик махсулотлари етиштиришни саноат асосига кучириш деган тушунчанинг маъноси анча кенгдир. У технологияни кайта куриш билан технологик жараенларни бошкариш билан богликдир. Хозирги вактда кишлок хужалик корхоналарида махсулот ишлаб чикаришда шу каби бир канча технологиялардан фойдаланилмокда ва улар уз навбатида ишлаб чикаришни режалаштиришда узининг сезиларли таъсирини курсатмокда.

Кишлок хужалик корхоналарида ишлаб чикаришни замонавий технологиясидан фойдаланиш пахтачилик сохасида хам кенг кулланилмокда. Бунга Андижон услубини мисол килишимиз мумкин.

Республикамиз пахтачилигида пленкадан фойдаланиб, эрта муддатларда кучат олиш кенг жорий килинмокда. Кузатишларнинг курсатишича пленка остига экилган чигитнинг унувчанлиги, ундан олинган хосилнинг ривожи, кучатнинг калинлиги одатдаги усулга

нисбатан юкори булади. Дархакикат гузанинг вегитация давридаги ривожи ва хосилдорлиги шу гуза ундирилган чигитнинг унувчанлик ва усимтасининг дастлабки, ривожланиш холатларига куп жихатдан боглик. Шундай экан, экишни пленкадан фойдаланиб эрта муддатларда утказиш чигитнинг даладаги унувчанлиги ва бошка кимматли курсаткичлари ортишига, усимликнинг хосил элементлари туплаши ва хосилдорлигига курсатадиган таъсирларини урганиш хам катта ахамиятга эга.

Тошкент Давлат аграр университетининг кичик тажриба даласида 1998 йил утказилган тажрибалар бу масалани илмий жихатдан ойдинлаштиришни максад килиб куймокда. Уларда эртапишар "С-4727", уртапишар "Наманган-77" ва кечпишар "Бухоро-6" гуза навларининг чигити 26 мартда пленкали (тажриба) ва пленкасиз (назорат) вариантларда экилди. Вариантлар 4 такрорли ва 40 уялик каторлардан ташкил топди. Хар бир уяга 5 тадан уруг ташланди.

Вегитация даврида иккала вариантда хам чигитнинг даладаги унувчанлиги, гузанинг биринчи хосил шохи урни, кусаклари сони, 50 фоиз пишиб етилиши ва хосилдорлигини урганиш максадида кузатув хамда хисоб-китоб ишлари олиб борилди. Бу жараенда назорат ва тажриба вариантлари орасида маълум бир конуний узгаришлар борлиги, чунончи, чигитнинг дастлабки ривожига пленка курсатадиган ижобий таъсир вегитация даврининг охиригача сакланиб аникланади. Чигитнинг далада унувчанлигини урганиш бу борада вариантлараро катта фарк борлигини курсатди. Чунончи, бу тафовут назоратдагига нисбатан пленкали вариантдаги "С-4727" навида +5,3 фоизни, "Наманган-77" навида +16,7, "Бухоро-6" навида +11,4 фоизни ташкил этди.

Шундай килиб, чигитни пленка остига экиш унинг унувчанлиги ва нихоллари ривожи тезлашишига, вегитация натижалари юкори булишига олиб келди. Чунки, чигитнинг даладаги унувчанлиги уртача 5 фоиздан, 15 фоизгача ошиши усимликларда хосил шохлари эртарок пайдо булишини, купрок кусаклар шаклланишини таъминлади. Натижада эртапишарлик

кечпишар "Бухоро-6" навида 4, эртапишар "С-4727" ва уртапишар "Наманган-77" навларида 9, 10 кунгача тезлашди. Хосилдорлик гектар хисобига уртача 4 центнергача ошди. Бунда хосилнинг асосий кисми юкори сифатли тола оланадиган биринчи теримда йигиштириб олинган хом ашедан иборат булди.

Бир неча йилки, Андижонликлар ташаббуси билан гуза пленка остига экилиб, мул хосил олиняпти. Янги технология уз афзалликларини курсатмокда. Чигит экиш давридаги кийинчиликлар хисобга олинмаса, бу усул, шубхасиз, самарадордир.Чунончи, гектаридан унлаб центнер кушимча хосил олиниши билан бирга хужалик иктисодий жихатдан самарадорликка эришади. Андижон вилоятида 1998 йилда барча пахта майдонига шу усул билан пахта экилди. Хуш,бу илгор усулнинг муаммолари борми? Бор! Бу гузани зараркунанда ва касалликлар билан шикастланиши ва бегона ут масаласидир. Бу борада тажрибалар 1997 ва 1998 йиллар мабойнида мамлакатимизнинг турли вилоятларида утказилди. Тажрибаларда гузанинг нихоллик даврида сурувчи зараркунанда билан зарарланиш ва илдиз чириш касалликларига чалинишининг олдини олиш максадида чигит "Гаучо-м" дориси билан упаланиб пленка остига экилган чигитдан униб чиккан гузаларда хам оддий усулда экилиб, ундирилган гузаларда хам шира ва трипс июннинг бошигача ривожлана олмас экан. Тажрибада пленка остида ундирилган гуза илдиз чириш касаллиги билан оддий усулдагига нисбатан 41 фоиз кам шикастланиши аникланди.Гоммоз билан эса, аксинча, пленка остидаги гузалар 21,3 фоиз, назоратдагилар 9,2 фоиз зарарланди. Бунда пленка емгирни купрок сачратиб, касаллик таркалишига сабаб булади,дейиш мумкин. Кузги туплам (кук курт) учун гуза севимли озука эмаслиги сабабли, бегона утлар деярли усмайдиган пленкали пайкалларда бу зараркунанда хавфли туюлмайди. Пленка остига чигит экиш технологияси бузилган, яъни чигит тушган жой устига гунг солинган холларда нихолларни сим курт зарарлайди.

Янги технологияда бегона ут муаммосига хам дуч келинади. Таъкидлаш керакки, экишга мулжалланган ер етилган, кумок, кесаксиз ва текис булиб, унда куп йиллик утлар авж олмаган булса, чигитни пленка остига экишни узи бегона ут муаммосини хал килади. Хуллас, янги технологияда гузани зараркунанда, касаллик ва бегона утлардан саклаш енгил хал этилади. Барвакт униб чикиб, ривожланиши нихолларнинг кисман шикастсиз ва соглом усишига имкон яратади.

Ушбу янги технология, яъни пахтани пленка остига экиш, хозирги пайтда мамлакатимизнинг турли вилоятларида кулланмокда ва юкори хосил ошишга, гузаларни касаллигини олдини олишга, гузалардаги кусаклар сони ортишига ва энг асосийси хосилдорликни оширишда узининг яхши самарасини бермокда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "гузани пленка остига экишга оид чора-тадбирлар тугрисида"ги 410 сонли карори кабул килингач, ушбу усул республикамизнинг барча вилоятларида кулланила бошланди.

Маълумки, гуза агротехникаси хар минтака, хар бир вилоят, туман ва хужаликнинг тупрок иклим шароитига мос холда белгиланади. Демак, гузани пленка остига экиш учун хар бир иклим шароитига мос келадиган истикболли технологияни яратиш ва уни мунтазам такомиллаштириб бориш керак. Гузанинг хар бир навида ташки мухитга талабчанлик турлича. Навлар физиологик ва биологик хусусиятларига кура, сугорилишига караб хар хил хосил беради. Ушбу хусусиятларни пленка остида экилган гуза хосилдорлигига урганиш максадида бир канча тажрибалар утказилмокда. Бу тажрибалардан чигитнинг тез униб чикишида чигитнинг нави, уни сугоришда кулланиладиган технология, гузани ривожланишида тупрокнинг харорати ва бошка гузани хосилдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар урганилмокда ва тадбик этилмокда. Узбекистонда сув танкислигининг кучайиб бориши ундан самарали фойдаланишни такозо этади килади. Шу боис экинларни

сугоришнинг тежамкор технологияларини ишлаб чикиш мухим ахамиятга эга. Экинларнинг томчилатиб сугориш эса ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Тажриба участкаларидаги гуза парваришида кулланилаетган агротехник ишлар, технологик жараенлари "томчилатиб сугориш, угитни сув билан эритиб бериш усул"ларини хисобга олмаган холда, хужаликда кулланилаетган агротехник тадбирлардан фарк килмади. Томчилатиб сугорилган вариантларда сув доимий окимда эгатлаб сугорилган вариантлардагига нисбатан икки марта кам сарфланди.

Ургатилаетган вариантларда гузанинг усиш ва ривожланишига сугориш усуллари, сугориш тартиби ва минерал угитлар меъерларининг таъсири яккол сезилади, натижада хосил тупланиши хам турлича булади. Гузанинг гуллаш ва кусакларнинг етилиш фазалари томчилатиб сугориш вариантларда эртарок бошланади. Сугоришнинг 70-75-65 тартибидан 75-80-65 тартибига утилганда гузанинг гуллаши, кусакларнинг очилиши кечикди. Угитлар меъери оширилган сари хам худди шундай натижалар олинади. Феенелочик кузатишлар натижаларига кура, томчилатиб сугорилган вариантларда гузанинг усиши ва ривожланиши нисбатан яхши кечади.

Усимликларнинг буйи 4,5-5,0 см, улардаги хосил бугинлари 1,5-2,0 донага, сентябр ойига келиб эса кусаклар сони 1,0-1,5 донага ортик булиши кузатилади. Сугориш гуза гуркираб усади. Бирок бунда кусаклар сони 70-75-65 тартибидагига нисбатан 0,5 тага камаяди. Тажриба давомида олинган маълумотларга асосланиб, гузанинг усиши ва ривожланиши сугориш тартиби ва усулига, бериладиган минерал угитлар меъерига боглик деган хулоса чикариш мумкин. Томчилатиб сугорилган вариантларда пахта эрта очилгани сабабли 1-теримда купрок хосил териб олинди. Сув такчиллиги сезилаетган бир вактда томчилатиб сугориш технологиясини куллаш нафакат сув сув танкислигини олидини олишда балки, пахта хосилдорлигини оширишда хам узининг ижобий таъсирини

утказади. Маълумки, республикамизда сугоришнинг кадимдан кулланиб келинаетган илгор усуллари мавжуд. Шулардан яна бири ерга чукур ва киска жуяклар оркали сув ташищдир. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, бунда сув тупрокка тез сингади хамда тупрокнинг табиий намлиги тез сакланиб колади ва нихоят у экинлар хосилдорлигига хам ижобий таъсир курсатиб, сув, угит ва тупрокнинг уйгун булишини таъминлайди.

Афсуски, кейинги вактларда сугоришнинг ана шу фойдали усули унутиб куйилди. Хужаликнинг йириклашиши, янги ерларни узлаштирилиши, экин майдонларининг кенгайиши ва иш жараенларини механизациялаштирилиши натижасида эгат оркали сугорилган оркали сугоришга утилди. Айни вактда чопик тракторлари кувватлари кувватининг ортиши сугориш участкаларининг кенгайишига олиб келди. Киска жуяклар урнига узун эгатлар пайдо булди. Окова чикариб сугориш одатга айланди. Натижада сув эрозияси жараенлари вужудга келди, угитларнинг анчагина кисми ташлама сув билан даладан чикиб кетиб, тупрок унумдорлиги пасая борди. Айникса гузалар ортикча сугорилавериши окибатида ерларнинг мелиоратив холати емонлащди. Шу сабабли хар хил сугориш усулларида гузани сувга булган талабини аниклаш муаммолигича колмокда.

Бинобарин, сув ресурслари гоят такчил булиб бораетган хозирги шароитда сувни тежаб тергаб сарфлаш, барча мавжуд сув манбаларини тартибга солиб, исроф булишини камайтириш, сугоришга мулжалланган сувнинг хар кубометридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга алохида эътибор бериш зарур. Бу эса кишлок хужалик экинларини сугоришнинг тежамкор технологияларини ишлаб чикишни ва жорий килишни такозо этади. Таасуфки, сугориш технологияларининг унчалик мукаммал эмаслиги туфайли мавжуд сув манбааларидан окилона фойдаланилмаяпти. Хозирги даврда экинларни сугоришда асосан юзадан сугориш усули кенг

кулланилиб келинмокда. Лекин, эгатлаб сугориш услубида сугориш сифати пастлигича колмокда, чунки у сугоришнинг техник элементларига, сугориш усулига, сувчининг тажрибасига ва куплаб бошка омилларга боглик.

Юкоридагиларга асосланиб, Сурхон-Шерobод вохасининг такирсимон тупроклари шароритида пуштага экилган ингичка толали гузани эгатлаб сугоришда дискрет усулида сувга булган талабини ишлаб чикиш буйича 1994-96 йилларда Сурхондаре вилоятининг Кизирик туманида ингичка толали "Термиз-24" нави устида куйидаги тартибда тадкикотлар олиб борилди:

Сув хамма эгатларга доимий окимда берилди - киесий дала. Сув эгат оралатиб доимий окимда берилди. Сув хамма эгатларга оковасиз (дискрет) усулда берилди. Сув эгат оралатиб оковасиз (дискрет) усулда берилди.

Тажрибада 4 такрорланишдан иборат булди. Гузалар 8 катор килиб экилди. Катор ораси 90 см. Умумий майдон 1440 кв. метр. Барча кузатишлар УзПИТИ услубий курсатмалари асосида олиб борилди. Тажриба утказилган ерлар такирсимон тупрокка мансуб булиб, вилоятнинг пахта етиштириладиган жанубий туманларидагидек ер ости сувлари чукурлиги 1,5-2,0 ва 1,0-1,5 ва кузда 2,0-2,5 метрни ташкил этади. Тажриба даласида утказилган агротехник Тадбирлар гуза парваришда хужаликда кулланилган агротехникадан, технологик жараенни хисобга олмаганда, фарк килгани йук. Тажрибада далага нам туплаш суви берилиб, ер тобга келиши билан чигит пушталарга экилди ва зарур кучат калинлиги булишига эришилди. Кучатлар хар йили 2-3 та чиньарг чикариши билан ягоналанди. Гуза усув даврида 5 марта культивацияланиб, 1-2-2 тартибида 5 марта сугорилди.

Тадкикотларнинг натижаларига кура сугориш туфайли далалардан усимлик учун зарур булган куплаб озик моддалар окова сувлар билан чикиб кетаркан. Оковасиз (дискрет) усулда сугориш эса, сув оковага мутлоко чикмаганлиги туфайли берилган минерал угитлар окова билан

чикиб кетмайди, тупрок унумдорлиги яхши сакланади. Бу холат гузанинг усиши ва ривожланишига, хосил элементларининг купрок тупланишига, пировард натижада хосилдорликнинг оишишига олиб келади. Хулоса шуки, гуза эгат ташлаб ва дискрет усулида сугорилганда минерал угитларнинг окова сув билан йуколиши камаяди, пахта хосилдорлиги оашади. Янги технологиянинг фойдали жихати хам шунда.

КХКФРда бозор иктисодиети шароитида булаетган иктисодий узгаришларга мос холда амалга оширилиши лозим. Иктисодиетнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини хал этиш Узбекистоннинг бозорга утищдаги бутун стратегиясини хал килувчи бугиндир. Бу кишлок хужалигининг республика иктисодий ва ижтимоий хаетидаги ролидан келиб чикади. Ахолининг 60% кишлок жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан купроги бугунги кунда кишлок хужалигидан олинади. Кишлок хужалиги республика хаетини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етактармокларини ривожлантириш учун шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг мухим манбаларидандир.

КХКФРнинг мухимлиги хам шундаки, хужаликларда ишлаб чикаришни режалаштиришнинг энг мухим томонларини излаб топищдан иборатдир.

Халк хужалигни ривожлантириш режаларини тузиш ва ишлаб чикаришни янада юксалтириш асосида ташкил этиш режалаштирш деб аталади. Иктисодий режа тузганда, ижтимоий тараккиет эхтиежларини назарда тутади, яъни ишлаб чикаришни таксимот ва айрибошлашни бутун жамият микесида режали равищда ташкил этади.

Хужаликларда режалар аник ва илмий жихатдан асосланган булади. Бунинг маъноси шундаки, хар бир хужалик режани тузищда режалаштирувчи булимлар иктисодий шарт-шароит ва имкониятларга, ишлаб чикариш илгорларининг тажрибасидан кенг фойдаланган холда ишлаб чикарувчи кучларни, фан ва техникани ривожлантирищда эришилган даражага асосланади. Режаларнинг аниклиги хужаликда

ташкилотчилик иши ва мехнаткашларнинг ижодий ташаббуси билан таъминланади.

Режалаштириш бевосита хужаликларнинг узида амалга оширилиши хамда асосий эътибор хужаликни интенсив ривожлантириш йули билан кишлок хужалик махсулотларини хар томонлама купайтириб боришга каратилиши керак.

Хужаликларда ишлаб чикариш режасини тузганларида режалаштирилаетган тадбирларнинг иктисодий жихатдан канчалик ахамиятли эканлигига алохида эътибор бериш керак. Масалан: экин майдонининг структурасини белгилаш билан бирга экиладиган хар бир гектар экиннинг ахамияти, киммати ва хосилдорлигини пухта тахлил килиш, унинг хужаликка иктисодий жихатдан кандай фойда келтиришини аниклаш зарур.

Хужаликларда куйидаги турдаги режалар тузилади:

Перспектив режа. Бу режага хужаликни ривожлантиришнинг бир неча йилларга мулжалланиб тузилган режалари киради. Унда тегишли йилларда бажарилиши кузда тутилади. Бу режа кишлок хужалик махсулотларини харид килиш ва ташкилий-хужалик режалари лойихалари асосида тузилади.

Йиллик ишлаб чикариш - молия режаси хамда бригада, ферма ва ердамчи корхоналарга бериладиган йиллик ишлаб чикариш топшириклари. Бу режага хужаликнинг бир йилги ишлаб чикариш - молия режаси хамда ердамчи корхона, ферма ва бригадаларнинг йиллик ишлаб чикариш топшириклари киради.

Оператив режа. Бу режага кишлок хужалик ишларининг турли даврларига караб тузиладиган иш режалари - яъни кварталлар, ойларда килинадиган ишлар режаси хамда план-нарядлар киради. Бу режада жамоанинг бир йил давомида килинадиган ишлари белгиланади. Ишлаб чикариш - молия режалари асосида хужаликнинг айрим тармокларига йиллик ишлаб чикариш топшириклари берилади.

Хужалик истикбол ва жорий режаларида хужаликнинг ривожланиш эхтиежлари ва аник шароитга караб, хужаликнинг хар бир сохасида ишлаб чикаришнинг усиш суръатлари аникланади ва хужаликнинг хар бир тармогига тегишли топшириклар белгиланади.

Ишлаб чикаришни узлуксиз устириш ва такомиллаштириш, халк фаровонлигини тобора ошириш манфаатларини кузлаб, халк хужалигининг тармокларини ва хужалик хаетининг барча томонларини узаро мувофиклаштириб ривожлантириш таъминланади.

Кишлок хужалик махсулотларини тайерлаш юзасидан юборилган режага мувофик ва жамоат хужалигининг аник шароити ва резервларини хисобга олиб, хужаликда ишлаб чикаришни ривожлантириш режаларини тузадилар, унда экин майдонларини ва экинлар буйича олинадиган хосилни хамда чорва молларининг турлари буйича сони ва махсулдорлигини белгилайдилар. Бу режалар жамоа хужалигининг умумий йигилишларида мухокама килинади ва тасдикланади.

Умумий йигилишларда тасдикланган экин режалари ва чорвачиликни ривожлантириш режалари ишлаб чикариш бошкармалари томонидан караб чикилади.

Жамоа хужалиги топширган бу режа давлатга махсулот сотиш буйича режали топширикнинг бажарилишини таъминламаган такдирда, жамоа хужалиги унга тегишли узгартиришлар киритиши шарт.

Истикбол режада хужаликни бир неча йил мобайнида ривожлантириш кулами ва суръати олдиндан белгилаб берилади.

Бу режа одатда, мамлакат халк хужалигини ривожлантириш истикбол режасида кузда тутилган муддатга мулжаллаб тузилади. У бир неча йилга, жумладан 5, 10 ва ундан купрок йилга мулжаллаб тузилиши мумкин. Истикбол режалар туфайли режалаштиришнинг узлуксизлиги таъминланади. Шунинг учун хам истикбол режа хужаликни ривожлантиришнинг куп йилга мулжаллаб тузилган дастуридир. Истикбол режанинг энг мухим топшириклари йиллар буйича таксимланади.

Кишлок хужалигида истикбол режаларни тузишда халк хужалигини янада ривожлантириш истикбол режаларига хамда кишлок ва сув хужалик ва Вазирлар Махкамасининг кишлок хужалигини янада юксалтириш хакидаги карорларига амал килинади.

Истикбол режаларни тузиш, бу ердан максимал даражада фойдаланиш, кишлок хужалик махсулотларини куплаб етиштириш ва махсулотларни купайтириш эвазига жамоа ишчиларининг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш учун имкониятлар очиб беради. Умуман хужаликларнинг беш йилга мулжалланган истикбол режаларида жуда мухим ташкилий-хужалик масалалари хал килинишини курсатилади. Бунда даставвал жойнинг шароитлари хисобгат олинган холда махсулот турлари буйича давлат режа топширига мувофик хужаликни ихтисослаштириш масаласихал этилади.

Истикбол режада экин майдонларининг структураси, хужалик тармокларининг йуналиши, янги ерларни сугориш, яйловларга сув чикариш, экин майдонларини кенгайтириш, чорвачилик махсулдорлигини ошириш, моллар туегини купайтириш, уларнинг озука базасини мустахкамлаш каби тадбирлар курсатилади.

Истикбол режада ишлаб чикариш, маданий-маиший бинолар, йуллар куриш, техника сотиб олиш, электрлаштириш, мелиорация иншоатларини яхшилаш, хужаликнинг ишчи кучларидан фойдаланиш, махсулот таннархини арзонлаштириш ва корхонанинг рентабеллигини оширишга хам эътибор берилади.

Хужаликларнинг истикбол режалари хужаликларнинг табиий ва иктисодий шароитига караб тузилади. Хужалик асосий тармогининг хажми унинг ишлаб чикариш йуналишига караб белгиланади.

Кушимча ер ва ердамчи тармокларнинг хажми эса асосий тармокларнинг ривожланишини тула таъминлашни кузда тутиб белгиланади. Хужаликларнинг экин майдонлари микдорини, чорва молларининг сонини ва уларнинг махсулдорлигини белгилашда давлатга

махсулотлар сотиш юзасидан берилган топширикларни тулик бажариш хамда хужаликнинг ички эхтиежларини кондириш хисобга олиниши лозим.

Хужаликнинг истикбол режалари хужалик мутахассислари хамкорлигида тузилади ва хужалик раиси томонидан тасдикланади.

Истикболда дехкончилик сохасини режалаштиришда асосий вазифалар булиб куйидагилар хисобланади:

Хужаликнинг ихтисослашуви ва ердан фойдаланишнинг кадастр бахосини аник белгилаб олиш;

Хужаликнинг сув ресурслари, асосий фондлари ва мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тугри режалаштириш;

Хужалик ерларининг экинлар буйича таксимланишида муаммоларни хисобга олиб бориш;

Хужаликда чорва молларининг бош сони, уларнинг турлари, махсулдорлиги ва хужалик балансини хисобга тугри ва аник олиб бориш;

Хужаликнинг жами етиштириладиган махсулотларини сотиш, кайта ишлаш ва ичкитаксимлашни тугри режалаштириш;

Дехкончилик тармогини ривожлантиришдаги жорий ва келгуси давр харажатларини хисобга олиб бориш.

Хужаликда истикбол режалар икки хил куринишда тузилиши мумкин:

Ташкилий хужалик тузилмавий режалар;

Иктисодий социал ривожланиш режаси.

Ташкилий хужалик режаси кишлок хужалик корхоналарини рационал ташкил килишга доир хамма мухим курсаткичларни, жумладан, майдонларни белгилаш, тармокларни ихтисослаштириш ва уларни бир-бирига тугри боглаб бориш, ишлаб чикариш жараенларини механизациялаш хамда интенсивлик даражасини йилдан-йилга ошириб бориш ва бошкаларни уз ичига олади.

Ташкилий хужалик режасида лойиха кисми ва лойихадаги тадбирларни амалга ошириш календар кисми булади. Лойиха кисмида

хужаликларни ихтисослаштириш, тармоклар тузилиши ва уларни бир-бирига боглаб бориш усуллари, ер майдонларининг тузилиши, холати ва улардан фойдаланиш имкониятига караб дехкончилик ва чорвачиликнинг асосий системалари, капитал жамгармалар микдори, хужалик тармокларининг иктисодий томондан самарадорлиги ва шу кабилар курсатилади.

Хужаликда истикбол режаларни тузишда хар бир тармокнинг хам истикбол режаси алохида тузилиши керак.

Дехкончиликни ташкил этиш буйича:

· ирригация-мелиорация курилишлари;

· ер фондидан уни ярокли ва яроксизга булиб тулик фойдаланиш;

· кишлок хужалик экинлари, куп йиллик дарахтлар ва яйловларнинг хосилдорлигини ошириш;

· алмашлаб экиш схемалари сони, улчами ва кайси экинлар билан алмашлаб экилишини режалаштириш;

· экин майдонларининг структурасини тугри белгилаш;

· агромелиоратив ишларни яхшилаш ва эрозияга карши кураш чораларини уз вактида олиб бориш.

Чорвачиликни ташкил этиш буйича:

· чорва моллари, паррандаларнинг бош сонини ва махсулдорлигини ошириб, уларнинг зотини яхшилаш;

· фермалар хажми ва уларни жойлаштириш;

· чорва молларини турларига караб бокиш ва асрашни яхшилаш.

Моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ундан фойдаланиш буйича:

· хужаликни машинала, техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб бориш;

· ремонт базаларини ташкил этишни режалаштириш;

· кишлок хужалик экинларини етиштириш ва йигиштириш технологиясини аниклаш ва амалга ошириш.

Мехнат унумдорлиги ва ишчи кучларидан фойдаланиш буйича: · ахолининг усиши ва ишчи кучларидан фойдаланиш;

· ахоли яшайдиган пунктлар ва уларни жойлаштириш.

Курилиш ва капитал жамгармалар буйича:

· коммунал турар-жой, маданий-маиший ва ишлаб чикариш биноларининг хажми, курилиб фойдаланишга топшириш муддатларини режалаштириш.

Режалаштириш иши факат режа тузиш билан чегараланмасдан, балки режа курсаткичларининг тула бажарилишини таъминлашдан хам иборатдир.

Хужаликларда ишлаб чикариш режаларининг аник бажарилиши устидан назорат килишни яхши йулга куймай туриб, унинг бажарилишини амалга ошириб булмайди. Шунинг энг яхши тузилган режа хам вакти-вакти билан текшириб турилмаса еки бажаришга сафарбар килинмаса, когозда колиб кетиши мумкин.

Режани назорат килишда маълумотлар оддийгина солиштирилиб колинмасдан, балки иктисодий курсаткичлар буйича бажарилишини хам назорат килиниши лозим. Шундагина хужаликнинг барча ишлаб чикариш топширикларига тугри бахо бериш мумкин.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, кишлок хужалик ишлаб чикаришда оператив ва жорий режалар каторида истикбол режаларни тузиш хам мумкиндир. Хозирги бозор иктисодиетида кишлок хужалигида истикболни белгилаб берувчи курсаткичлар ердамида миллий ва амалий асосланган режалар тузиш ва уларни ишлаб чикариш жараенларида куллашни режалаштириш, хужаликларнинг келажакда ривожланишда куплаб имкониятларни вужудга келтириб беради.

КХКФРда ва ишлаб чикаришда истикбол режаларни тузишни режалаштириш ва унинг мохияти шундаки, бу режалар ишлаб чикаришда замонавий фан-техника ютукларидан фойдаланишга имкон беради.

Гузанинг биологиясидан шу нарса маьлум булдики, усимликнинг вегетация даври узун-120-160 кунгача борадиган, уругликка, иссикликка, сувга, озика моддаларига ва тупрокка ута талабчан экиндир. Уруг ердан униб чикищдан то хосили етилиб пишгунча доимий парваришни талаб килади, бунга жуда куп мехнат ва капитал маблаг сарфланади, хосилини йигиб олиш эса алохида уюшкоклик билан ишларни ташкил килишни такоза этади, пахтачилик билан шугулланувчи барча каттаю-кичикнинг, ишчию-рахбарнинг эьтиборини узига жалб килади. Хуллас, пахтачилик серташвишли мураккаб соха уни етиштиришдаги узига хослик хам шундадир. Шу боис, пахтачиликни жадаллашган технология асосида ривожлантириш фан ва техниканинг бутунги кундаги долзарб масаласидир. Жадаллашган технология - бу технологик интизомга катъий риоя килиш, гузани парвариш килиш буйича тавсия этилган операцияларни уз вактида сифатли килиб бажариш, кул мехнатини максимал даражада камайтириш, махсулотнинг микдорини ошириш, сифатини яхшилаш, таннархини камайтиришдан иборатдир. Демак, унинг асосий максади: 1. Хосилни эрта етказиш. 2. Хосил микдорини ошириш. 3. Хосилнинг сифатини яхшилаш. 4. Хосилнинг таннархини камайтириш. Жадаллашган технологик куйидаги факторларни уз ичига олади.

1. Хосилни тугри режалаштириш.

2. Ер майдонларидан самарали фойдаланиш.

3. Ишлаб чикаришга янги технологияларни жорий килиш.

4. Илгорлар тажрибасидан кенг фойдаланиш.

5. Замонавий техникалардан кенг фойдаланиш.

6. Ишлаб чикаришга малакали кадрларни жалб килиш.

7. Ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, сугоришни тартибга солиш.

8. Кимё саноатининг махсулотларидан кенг фойдаланиш.

9. Технологик карта талабларига катъий риоя килиш.

10. Махаллий тупрок - иклим шароитларини катъий хисобга олиш.

Пахта хосилини программалаштириш (режалаштириш) куйидаги 4 факторга боглик:

1. Биологик факторлар (экин тури, нави, гибрид, уларнинг хусусиятлари).

2. Тупрок факторлари (тупрок типи, механик таркиби, самарали унумдорлиги).

3. Агротехника ва мелиорациянинг усулларидан иборат факторлар.

4. Иклим ва об-хаво шароитлари билан боглик булган факторлар.

Пахта етиштириш жадаллашган технологиясининг таркибий кисми куйидаги элементлардан иборат. (схемага каранг).

1. Алмашлаб экишда гузани илмий асосланган усулда жойлаштириш.

2. Хосилдор навларни танлаш.

3. Юкори классли уругларни экиш.

4. Далада оптимал кучат калинлигига эришиш.

5. Тупрокка ишлов беришнинг илмий асосланган тизимини куллаш.

6. Бегона утларга карши курашда гербицидларнинг самарали турларидан фойдаланиш.

7. Хар бир тупрок-иклим шароити чигит экишнинг оптимал муддат ва усулларини танлаш.

8. Органик ва минерал угитларнинг оптимал норма ва нисбатларини куллаш.

9. Гузани сугоришнинг оптимал режимини куллаш.

10. Кишлок хужалик машиналарининг ва куролларининг энг самарали турларидан фойдаланиш.

11. Усимликларни хашорат ва касалликлардан химоя килишнинг уйгунлашган тизимини куллаш.

12. Гузани машиналар ёрдамида чеканка килишни кенг жорий этиш.

13. Гуза баргини туктиришда дефолияциянинг оптимал муддатларини куллаш, препаратларнинг самарали турлари ва нормаларидан фойдаланиш.

14. Технологик карта талабларига катъий риоя килиш.

15. Пахта, хосилини йигиб олишда узлуксиз (поток) усулини куллаш.

16. Мехнатни ташкил этиш ва унга хак тулашнинг прогрессив усулларини куллаш.